Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1993 йил 25 сентябрь, шанба № 174—175 (21.526). Сотувда эркин нархда.

МДҲ ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

МОСКВА. 24 сентябрь (ЎзА махсус мухбири Лев Левин хабар қилади). Россиядаги сиёсий тангликка қарамай, давлат бошлиқларининг бугунга мўлжалланган учрашуви очилди. Унга барча манфаатдор мамлакатларнинг, шу жумладан Озарбайжон ва Украина раҳбарлари ҳам келишди. Маълум бўлишича, Украина делегацияси Россия пойтахтига бир қанча таклифлар билан келди.

Россияда ижроия ҳокимияти билан қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг бир-бирига қарама-қаршилиги бу учрашувга алоҳида тус бергани табиийдир. Лекин Москвада — осойишталик, ҳамма заводлар, муассасалар ишлаб турибди. Хуллас, мамлакатдаги аҳволни Президент назорат қилиб турибди. Москвликларнинг аксарияти Борис Ельцин тарафдоридир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов Москвага келгач, ташрифининг асосий мақсадини бундай изоҳлади: кўп одамлар бизни бу ерга Россиядаги сўнгги воқеалар, бу мамлакатдаги ҳокимиятнинг икки тармоғи ўртасидаги можаро кучайгани сабабли келган деб ўйлайдилар. Аслида бундай эмас. Энг муҳими — Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг учрашувидир, унда ҳозирги барча мустақил мамлакатлар учун ҳаётий муҳим масала — иқтисодий ҳамжамиятни барпо этиш масаласи муҳокама қилинади. Ҳозирги вақтда бу энг муҳим вазифадир.

МДҲ давлат ва ҳукумат бошлиқларининг олдинги учрашувларида жуда кўп ҳужжатлар қабул қилинди. Афсуски, улар амал қилмаяпти. Шу сабабли Москвада ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олиб, бундан буён қандай йўлдан бориш лозимлигини аниқ белгилаб олиш керак.

Давлат бошлиқлари муҳокамасига жами 18 та масала қўйилган. Улар орасида энг муҳимлари — МДҲ аъзолари бўлган давлатлар ташқи ишлар вазирлари кенгаши тўғрисидаги Низом, МДҲ бирлашган қуролли кучлари бош қўмондонлигини қайта тузиш, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар соҳасига оид халқаро мажбуриятлар ҳақидаги баёнотнома ва бошқа масалалардир. Бир қанча масалалар Тожикистонга бағишланган. Хусусан, бу ерда Тожикистон Республикаси ҳудудида тузиладиган Бирлашган мудофаа кучлари тўғрисидаги Низом ҳамда уларни биргаликда моддий-техникавий таъминлаш чоралари, Тожикистон Республикасига ёрдам жамғармасини тузиш масалалари кўриб чиқилади. Қозоғистоннинг таклифига биноан давлатлараро Евроосиё кўмир ва металл бирлашмасини тузиш масаласи кун тартибига киритилган.

Журналистлар киритилмаган мажлисда рубль зонаси муаммоларига, Россия ҳукумати ва Россия марказий банкининг бошқа республикаларга нисбатан тутган йўлига катта эътибор берилиши шубҳасиздир. Давлат бошлиқлари мажлисни Кремлнинг Екатерина залида ўтказдилар, тушдан сўнг учрашувни «Президент-отел»да ёпиқ эшиклар ортида давом эттирдилар. Кечқурун эса журналистлар билан суҳбат бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг барча ходимларини байрам — шу хизмат ташкил этилган кун билан табриклайман.

Сизларнинг фидокорона меҳнатингизни юқори баҳолаш билан бирга Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари бундан буён ҳам ўзларининг ҳарбий ва фуқаролик бурчларини муносиб бажарадилар, давлат манфаатлари конституциявий тузум ҳимоясини, Ўзбекистоннинг ҳудудий яхлитлиги ва чегараларининг дахлсизлигини таъминлайдилар, Ўзбекистон халқининг фаровонлиги ва тинч меҳнатини кўзлаб, жамиятимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни ва миллатлараро тотувликни сақлаб қолиш учун ҳамма ишни қиладилар, деб қатъий ишонч билдираман.

Сизларга тинчлик ва осойишталик, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги ишингизга муваффақиятлар тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 24 сентябрь.

«ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ» ИП ГАЗЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИГА

Ҳурматли дўстлар!

Бирлашманинг мутахассисларини, ишчи ва хизматчиларини, шунингдек, меҳнат фахрийларини ажойиб сана — корхонангизнинг 60 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бирлашма шонли тараққиёт йўлини босиб ўтди. Республика ип газлама тармоғининг байроқдори бўлмиш бу корхона ишлаб чиқариш самарадорлигини йил сайин ошириб, халқимиз фаровонлиги юксалишига муносиб ҳисса қўшаётир. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йили мобайнида бирлашма ўзини тиклаш, техника билан қайта жиҳозланиш, янги технологияни жорий қилиш, юксак сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлди.

Жамоа бозор муносабатлари сари ўтиш даври қийинчиликларини енга бориб, янги муваффақиятларга эришмоқда.

Ишончим комилки, Тошкент ип газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг шуҳрати келгусида яна ҳам ортади ва сизларнинг тамғангиз қўйилган маҳсулот бутун дунёга маълум бўлади. Сизнинг корхонангиз ўзбек халқи билан дунё халқлари ўртасидаги дўстлик ва меҳр ришталарини боғлайдиган, эзгуликни улуғлайдиган маскан бўлиб қолаверади.

Кўп миллатли жамоангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва мустақил Ўзбекистоннинг пойдеворини янада мустаҳкамлаш йўлидаги ишларингизда каттадан-катта омад ва зафарлар тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1993 йил 23 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

«ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ» ИП ГАЗЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ НАМУНА КЎР САТГАН ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Тармоқдаги кўп йиллик ҳалол меҳнати, юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришгани ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»

АБДУКАРИМОВ Абдурашид — 1-йигирув-тўқув фабрикасининг ип йигирувчиси

КАРИМБОЕВА Маъмура Абдуллаевна — гул босиш фабрикасининг назоратчиси

ҚУЛМАТОВА Дилбар Баратовна — 1-йигирув-тўқув фабрикасининг тўқувчиси

ТРОФИМОВ Евгений Александрович — гул босиш фабрикаси цех бошлиғи

ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАХРИЙ ЕРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН

АБДУЛЛАЕВА Назокат Ҳамроевна — ип фабрикаси ип ўраш дастгоҳи оператори

АКБАРОВ Ўткир — 1-фабрика директори

АКРАМОВА Гулчеҳра Эркиновна — 5-тўқув фабрикасининг тўқувчиси

АҲМЕДОВА Равила Султоновна — 2-йигирув-тўқув фабрикаси тўқувчиси

ЭРГАШЕВ Ботир Қодирович — бош директор

ИШУТИНА Антонина Михайловна — ип фабрикаси ишлаб чиқариш таълими инструктори

ЛАЗАРЕВА Тамара Григорьевна — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси халқ истеъмоли моллари, савдо ва пуллик хизмат бўлими мутахассиси

ЛУСИНИН Вазген Иванович — 3-фабрика директори

МАЖИДОВА Манзура Тўлқиновна — 3-йигирув фабрикаси ип йигирувчиси

МАҲКАМОВА Вазира Абдуғаниевна — 4-йигирув тўқув фабрикаси тўқувчиси

САИДОВ Ёқубжон Султонжонович — 3-тўқув фабрикаси уста ёрдамчиси

САИДАЗИМОВА Гулхан Сандазимовна — 2-йигирув-тўқув фабрикасининг ип йигирувчиси

СУЛТОНОВА Умри — ходимларни ишга олиш ва тайёрлаш бўлимининг бошлиғи

ТУРСУНОВ Абдуқаюм Абдуллаевич — гул босиш фабрикасининг ишчиси

ҲАЁТОВА Ирсой Абдуқодировна — 2-йигирув-тўқув фабрикасининг ип йигирувчиси

ШИМЕНОВА Валентина Федоровна — бош муҳандис

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 23 сентябрь.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ—60 ЁШДА!

«Тошкент тўқимачилик комбинати» ип газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг жамоаси корхонанинг 60 йиллигини меҳнатда янги-янги ютуқлар билан кутиб олди. Бозор муносабатларига ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамай, бу ерда барча режалар бажарилмоқда, таъмирлаш ва техника билан қайта жиҳозлаш ишлари муваффақиятли бормоқда.

24 сентябрь куни Тошкентда, Тўқимачилар саройида бўлиб ўтган тантанали йиғилишда шу ҳақда гапирилди. Унда бирлашма меҳнатчилари, уларнинг Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонлик касбдошлари, бирлашмага маҳсулот етказиб берадиган Россия машинасозлик корхоналарининг, шунингдек «Ўзбекенгилсаноат» уюшмасидаги турдош корхоналарнинг вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов «Тошкент тўқимачилик комбинати» ип газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг жамоасига давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг табрикномасини ўқиб берди. Корхона меҳнатчилари республика Президенти номига Мурожаатнома қабул қилдилар, унда самимий табрик учун миннатдорчилик билдириб, мустақил Ватанимиз бахт-саодати йўлида меҳнатда юксак кўрсаткичларни қўлга киритишга ваъда бердилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг корхонанинг алоҳида намуна кўрсатган ходимларини тақдирлаш ҳақидаги Фармони ўқиб эшиттирилди.

Йиғилишда бирлашманинг бош директори Б. Эргашев сўзга чиқди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ. Ҳаққулов, Тошкент шаҳрининг ҳокими А. Фозилбеков иштирок этдилар.

(ЎзА).

НАВОИЙ МЕТАЛЛУРГЛАРИ БАЙРАМИ

«Фарҳод» маданият саройида Навоий кон-металлургия комбинатининг 35 йиллигига бағишланган йиғилиш бўлди. Унда собиқ Иттифоқнинг турли шаҳарларидан, республикамизнинг кўпгина шаҳар ва туманларидан келган меҳмонлар иштирок этди. Республика Бош вазирининг ўринбосари А. Н. Возненко республика Президенти Ислом Каримовнинг Навоий кон-металлургия комбинати жамоасига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди. Шундан сўнг комбинат директори Н. И. Кучерский корхона босиб ўтган йўл ҳақида маъруза қилди.

Йиғилишда вилоят ҳокими А. Айдарқулов қатнашди.

(ЎзА).

Ўзбекистон ХДП МК VIII пленуми ҚАРОРИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг республика Президенти, ХДП Раиси И. А. Каримовнинг Олий Кенгаш XIII сессиясида «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари» ҳақида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалари

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши пленуми таъкидлайдики, Олий Кенгаш XIII сессияси қабул қилган ҳужжатлар ҳамда республика Президенти, ХДП Раиси И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари» тўғрисида унда сўзлаган нутқи партиямиз учун дастурий аҳамиятга эгадир. Нутқда Ўзбекистондаги ҳозирги ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг ҳал қилувчи ўзига хос хусусияти сифатида ислоҳотларни амалга оширишнинг янги босқичига ўтиш деб белгиланган.

Барча ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бирданига ҳал қилиш мумкин эмаслиги сабабли, юртбошимиз мулкчилик муносабатларини ўзгартириш, бозор тузилмаларини шакллантириш, молия ва банк тизимини қайта ташкил этиш, бошқарувнинг замонавий усулларини жорий қилишни иқтисодий ислоҳотларимизнинг устивор йўналишлари эканлигини асослаб берди. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ҳам иқтисодий ўзгаришларнинг муҳим бўғинидир. Бунда ерни деҳқонларга мерос қилиб бериш, мулкчиликнинг хилма-хил шаклларига асосланган ишлаб чиқаришни ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Пленум ҳукуматимиз томонидан ислоҳотларни амалга оширишнинг барча босқичларида устивор йўналишлар сифатида шунингдек, таълим ва маданиятни ривожлантириш ва ислоҳ қилиш, жамиятнинг ақл-заковат ва маънавий салоҳиятини мустаҳкамлаш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни таъминлаш вазифалари олға сурилганлигини жуда муҳим, деб ҳисоблайди.

Мустақиллик эълон қилингандан кейин ўтган даврда республика раҳбарияти ҳамма вақт партиянинг дастурий мақсадларига мос тушувчи сиёсатни ўтказиб келаётганлигини пленум мамнуннят билан қайд этади.

Ўзбекистон ХДП МК пленуми қарор қилади:

1. Республика Президенти, ХДП Раиси И. А. Каримовнинг Олий Кенгаш XIII сессиясида «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари» тўғрисидаги нутқида баён қилинган қоидалар ва хулосалар, унинг мамлакат иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш, барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт ва фаолият шароитларини яратиш мақсадларида ислоҳотларни босқичма-босқич ўтказиш соҳасидаги амалий фаолияти қўллаб-қувватлансин.

2. Барча партия ташкилотлари, партия аъзолари аҳоли орасида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XIII сессияси якунларини, И. А. Каримовнинг сессиядаги нутқида, «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобида баён этилган ғояларни партия ўқуви тизимида ўрганишни ташкил этсинлар, аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишни таъминласинлар.

ХДП кенгашлари сессия якунлари бўйича олиб бориладиган сиёсий ва тарғиботчилик ишларида Марказий Кенгаш аъзоларининг, партия аъзолари бўлган барча депутатларнинг, ҳоким ва бошқа раҳбарларнинг бевосита иштирок қилишига эришсинлар.

Партия аъзоларида, фуқароларда ислоҳотларга онгли муносабатни, уларни амалга оширишга дахлдорлик ва масъулият ҳис-туйғуларини шакллантириш — оммавий-сиёсий ишларимизнинг бош вазифаси ҳисоблансин. Бу ишларнинг ҳаммаси партиянинг дастурий мақсадларини тарғиб қилиш билан чамбарчас қўшиб олиб борилсин ва аҳолининг сиёсий фаол қисмини Ўзбекистон ХДП тарафига ва унинг сафларига жалб этиш йўлга қўйилсин.

3. Иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этишга, халқимизни жипслаштиришга, мамлакатимизда соғлом ижтимоий-сиёсий вазиятни вужудга келтиришга, фуқаролар иноқлигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда ҳокимларга, ҳокимлик ва бошқарувнинг маҳаллий органларига амалий ёрдам кўрсатиш барча партия ташкилотлари ва кенгашларининг муҳим сиёсий вазифаси эканлиги таъкидлансин.

Партия ташкилотлари одамларни ташаббускорликка ундасинлар, уларда ўз имкониятларини фаол намоён этишга интилиш туйғуларини вужудга келтирсинлар, меҳнат жамоаларини ижодий изланишларга сафарбар қилсинлар. Мулкчилик шаклларини ўзгартириш, завод, фабрика, хўжаликларни истеъмолчилар манфаатларига жавоб берувчи юксак технологияли рентабелли корхоналарга айлантириш учун уларнинг фаолият йўналишини янгилашга кўмаклашсинлар.

Халқ ҳунармандчилигини, косибчилик устахоналарини, касаначилик меҳнатининг хилма-хил шаклларини ривожлантириш ҳисобига анъанавий миллий буюмлар ва моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришда, янги иш ўринларини ташкил қилишда ташаббускорлик кўрсатилсин. Меҳнат ресурсларининг, айниқса, қишлоқдаги ишчи кучларининг анчагина қисмини хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларига ўтказишга ёрдам берилсин.

Партия ташкилотларининг аҳолини ижтимоий ҳимоялашга оид Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларини амалга оширишдаги иштироки масаласига эътибор янада кучайтирилсин. Одамларнинг кайфияти, уларнинг муаммолари ҳамиша ўрганиб турилсин, жойларда ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари қандай амалга оширилаётганлиги, ёрдамга муҳтож аҳоли қатламлари ундан қай даражада баҳраманд бўлаётганлигидан хабардор бўлишсин.

ХДП аъзолари бўлган раҳбарларнинг масъулияти оширилсин. Ижтимоий манфаатларни менсимаслик, ислоҳотлар сиёсатига халқнинг ишончига путур етказадиган масъулиятсизлик, хўжасизлик, сансалорлик каби салбий кўринишларга ўз вақтида аниқ ва қатъий баҳо берилсин.

4. Барча партия ташкилотлари республика Конституцияси лойиҳаси устида олиб борилган ишлар тажрибасига таяниб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига фаол киришсинлар. Партия ташкилотларида лойиҳани муҳокама қилишда ХДП аъзоларининг қатнашишдан манфаатдорлиги вазияти вужудга келтирилсин, киритилган таклифларни ҳисобга олиш ва ўз вақтида умумлаштириш таъминлансин.

Қонун лойиҳасининг эълон қилинганлигига бўлажак сайловларга тайёргарлик бошланди, деб қаралсин. Партия ташкилотларига кейинчалик ХДПнинг рўйхати бўйича депутатликка номзодлари кўрсатилиши мумкин бўлган сиёсий тажрибали ва обрў-эътиборли партия аъзоларини излаш ва танлашга киришиш тавсия қилинсин.

Партия ташкилотларининг аҳоли ўртасидаги фаолияти янада жонлантирилсин, ҳудудий партия тузилмаларининг шаҳобчаларини кенгайтириш юзасидан чора-тадбирлар кўрилсин, ҳар бир сайлов округида, маҳаллаларда партия ташкилотлари бўлишига эришилсин. Тажрибали, мафкуравий ишларга лаёқатли ХДП аъзоларидан тарғиботчилар гуруҳлари тузилсин.

МК Сиёсий ижроқўмига Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайлов масалалари бўйича комиссиясини тузиш топширилсин.

Партиянинг барча поғоналарида республика Касаба уюшмалари федерацияси, Уруш ва меҳнат фахрийлари, Хотин-қизлар кенгашлари, Ёшлар иттифоқи ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилсин.

Ўзбекистон ХДП МК VIII пленуми партиямиз кенгашлари ва ташкилотлари, ҳар бир партия аъзоси олдимизда турган тақдириломон вазифаларни муваффақият билан бажаришга ўзларининг муносиб улушларини қўшадилар, мамлакатимизни тараққиётнинг янги поғонасига кўтариш учун курашда барча фуқароларга ибрат бўладилар, деб ишонч билдиради.

САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг икки йиллиги ҳам тобора яқинлашиб келмоқда. Шу сана муносабати билан бошланғич партия ташкилотлари ҳамда туман, шаҳар партия кенгашларининг жойларда олиб бораётган ишлари билан яқиндан танишиш, бевосита партия фаоллари ва меҳнаткашлар билан мулоқотда бўлиш мақсадида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби, республика халқ депутати М. М. Расулов Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳри ҳамда Зангиота туманига борди.

22 сентябрь куни Бекобод шаҳридаги йирик корхоналардан бири — Ўзбекистон металлургия заводида бўлиб, у ерда республикамиз Олий Кенгашининг XIII сессиясида қабул қилинган қарорларни қандай амалга оширилаётганлиги билан танишди. Заводда аҳоли учун зарур бўлган кенг халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш, янги иш жойларини ташкил қилиш борасида ибратли ишлар қилинаётганлигининг гувоҳи бўлди. Завод директори А. Анохин ҳамроҳлигида яқинда йўлга қўйилган руда тошларини майдалаш учун ишлатиладиган металл шарлар ишлаб чиқариш цехи, ички имкониятлардан фойдаланиш ҳисобига фаолият кўрсатаётган қувур ишлаб чиқариш тармоғи кўздан кечирилди.

Шу куни ЎзХДП Бекобод шаҳар кенгашида шаҳардаги бошланғич партия ташкилотлари котиблари, меҳнат ва уруш фахрийлари, маҳалла фаоллари билан учрашув ўтказилди. Учрашувда Бекобод шаҳар ҳокими Э. Рўзиев қатнашди.

Эртаси куни эса шундай сафар Зангиота туманидаги Зангиота тарихий мажмуини кўздан кечириш билан давом эттирилди. Кейин тумандаги йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан ҳисобланган Ўрта Овул таъмирлаш заводи, ГОСНИТИ заводи, «Ўрта Овул — Гинель» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси ҳамда «Барокат» бўрдоқичилик хўжалиги ва Улуғбек номли жамоа хўжалигида яқинда очилган консерва заводига борилди.

Шу куни Зангиота тумани партия кенгашида партия ва маҳаллалар фаоллари билан учрашув бўлиб, унда ўртоқ М. М. Расулов сўзга чиқди. У партия ташкилотларининг республика Олий Кенгаши XIII сессияси ҳамда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг VIII пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида гапирди ва учрашув қатнашчиларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоб берди.

Учрашувда Зангиота тумани ҳокими Ж. Маликов қатнашди.

Илҳом ҚАЙНАРОВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши матбуот маркази бошлиғи.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика вилоятларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 24 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани: Бир кунда	Мавсум бошидан
Хоразм	2.94	29.29	0.09	0.19
Сурхондарё	2.51	24.36	1.22	5.07
Бухоро	2.40	18.79	0.16	0.48
Қорақалпоғистон Республикаси	1.92	12.28	0.72	1.67
Фарғона	1.32	6.68	0.05	0.08
Қашқадарё	1,24	5,58	0,40	1,16
Андижон	0.92	4.45	0.00	0.00
Навоий	0.67	3.54	0.00	0.00
Тошкент	0.23	1.42	0.00	0.00
Наманган	0.61	0.61	0.00	0.00
Сирдарё	0.07	0.15	0.00	0.00
Жиззах	0.08	0.08	0.02	0.02
Самарқанд	0.00	0.00	0.00	0.00
Ўзбекистон Республикаси бўйича:	**1.20**	**8.67**	**0.23**	**0.77**
1992 йилнинг шу кунида	**0.67**	**3.50**	**0.05**	**0.15**
Шу жумладан нитчка толали пахта				
Сурхондарё	1.61	14.56	0.00	0.00
Қашқадарё	0.19	0.45	0.00	0.00
Андижон	0.00	0.00	0.00	0.00
Бухоро	0.00	0.00	0.00	0.00
Навоий	0.00	0.00	0.00	0.00
Наманган	0.00	0.00	0.00	0.00
Ўзбекистон Республикаси бўйича:	**1.27**	**11.19**	**0.00**	**0.00**
1992 йилнинг шу кунида	**0.45**	**4.03**	**0.00**	**0.00**

ПАРТИЯМИЗНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расуловнинг Марказий Кенгаш VIII пленумидаги «Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг республика Президенти, ХДП Раиси И. А. Каримовнинг Олий Кенгаш XIII сессиясида «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари» ҳақида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида»ги

МАЪРУЗАСИ

Азиз дўстлар!

Бугунги пленумимизда яқинда бўлиб ўтган Олий Кенгаш XIII сессиясининг якунлари ва партиямиз Раиси, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг давлатимиз иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари ҳақидаги маърузасида олға сурилган қоидалардан келиб чиқадиган вазифаларимизни белгилаб олишимиз зарур.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг икки йиллигини шод-ҳуррамлик билан нишонладик.

Бу воқеанинг аҳамияти ниҳоятда катта. Истиқлол йиллари Ўзбекистоннинг ўзига хос ривожланиш, янгиланиш ва тараққиёт йўлига ўтиш даври бўлди. Мамлакатимиз жадал одимлар билан ўзининг буюк истиқболи сари бормоқда. Республикада ўтказилаётган ислоҳотларнинг ҳаётийлиги таъминланди.

Мустақил Ўзбекистон давлати жаҳонга юз тутди, бутун дунёда тан олинди, нуфузи ошди.

Бу йиллар маънавиятимиз сарчашмаларига, яъни буюк аждод-авлодларимиз, уломою-алломаларимиз бой меросига мурожаат қила олиш, уни идрок этиш, эъзозлаш йиллари бўлди. Бугун жаҳон маданияти хазинасига улкан ҳисса қўшган буюк бобокалонларимиз — ал-Фарабий ва ал-Хоразмий, ал-Фарғоний ва Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва Исмоил ал-Бухорий, ат-Термизий ва Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд ва Амир Темур, Улуғбек ва Алишер Навоий, Бобур ва Машрабларнинг руҳи-поклари халқимизга мададкор бўлмоқда.

Ўзбекистонда янги, адолатли жамиятнинг мустаҳкам пойдевори яратилмоқда. Эски бошқарув идоралари ўрнини янги вазиятга мослашган тузилмалар эгалламоқда. Ўтиш даврининг қонун-қоидаларини чуқур идрок этиш, иқтисодий ривожланишнинг устивор йўналишларини тўғри аниқлаш Президентимиз бошчилигидаги республика раҳбариятига халқ хўжалигини бошқариш жиловларини қўлда тутиб туриш имконини берди. Иқтисодиётни, оз бўлса-да, барқарорлаштириш мумкин бўлмоқда, ҳаттоки, айрим соҳаларда ишлаб чиқаришнинг ўсишига эришилмоқда. Жумладан, шу йилнинг июнь—июль ойларида саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11 фоизга кўпайди. Тайёр маҳсулотнинг ҳиссаси ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида ўтган йилги 40 фоиздан 60 фоизгача кўпайди. Кейинги даврда биринчи маротаба республика бюджетида даромадлар буромадларга қараганда ортиқроқ бўлди.

Истиқлол йилларининг энг муҳим ютуғи — мустақиллик туфайли ўзлигимизни, миллий ғуруримизни англаш жараёни бошланди, кишиларнинг ижодий ташаббускорлиги уйғонди.

Бу давр республикамиз сиёсий ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар йиллари бўлди. Кўппартиявийлик қарор топмоқда, қатор жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқдалар.

Истиқлол шарофати билан мустақиллик фарзанди — Ўзбекистон Халқ демократик партияси дунёга келди. Ўтган даврда партиямиз жамиятда рўй бераётган барча ўзгаришларни англаш ва мушоҳада этиш, фаол мустақил сиёсий куч сифатида ҳаракат қилишга интилди. Республикада барқарор сиёсий муҳитни сақлаб қолиш, халқимизни ислоҳотларни амалга ошириш ишига сафарбар қилиш — партия фаолиятининг муҳим мақсадига айланди.

Биз айнан шу мақсадлар йўлида фаолият кўрсатиб, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга баҳоли қудрат ҳиссамизни қўшдик. Сиёсий ҳаётда ўз ўрнимизни топдик. Кенг аҳоли ўртасида муайян обрў-эътибор қозондик. Лўнда қилиб айтганда, ўтган йиллар партиямиз учун шаклланиш, оёққа туриш ва жамиятда ўз ўрнини топиш йиллари бўлди.

Халқ демократик партияси ўз сиёсатини қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти идораларидаги вакиллари орқали рўёбга чиқаради. Бунинг зарур йўл ва воситалари шаклланмоқда. Мустақил Ўзбекистоннинг Асосий Қонуни — биринчи Конституцияни тайёрлаш, муҳокама қилиш ва қабул қилишда фаол иштирок этиш — партиямиз учун жиддий сиёсий синов бўлди.

Мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлар биз учун шу жиҳатдан ҳам муҳимки, ушбу ислоҳотлар партиямизнинг дастурий ғоялари ўзанларида амалга оширилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ УСТИВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИМИЗНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистоннинг тараққий этишида республика Олий Кенгашининг XIII сессияси, унинг қарорлари муҳим аҳамиятга моликдир. Ў Ўзбекистонда ҳуқуқий, демократик давлат сари қадамлар қўйишда унинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда яна бир босқич бўлди.

Сессияда ҳокимият идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақидаги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисидаги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди. Меҳнат ҳақидаги қонунга қўшимчалар ва ўзгартишлар киритилди. Лотин имлосига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисидаги қонун қабул этилди.

Юртбошимиз сессияда катта нутқ сўзлади. Ислом Абдуғаниевичнинг «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли» китоби ва сессияда сўзлаган нутқида мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устивор йўналишлари ҳар томонлама асослаб берилган.

Республикамиз бой имкониятларга эга бўлишига қарамай, барча долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бирданига ҳал қилишга қодир эмас. Шу сабабли Президентимиз таъкидлаганидек, ислоҳотларимиз дастури биринчи навбатда энг муҳим, ҳеч кичиктириб бўлмайдиган вазифаларни бажаришни кўзда тутади.

Хўш, ушбу устивор вазифалар нималардан иборат? Булар: **Биринчидан,** босқичма-босқич бозор муносабатларига ўтиш, яъни бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик қоидаларидан, ўта марказлаштирилган режалаштириш ва тақсимлаш усулларидан қатъиян воз кечиш. Бу, ўз навбатида, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусий мулкчиликка йўл очиб бериш, мулкка эгалик қилишнинг турли шаклларига асосланган кўп тармоқли иқтисодиётни вужудга келтириш демакдир. Айни пайтда нархнавони аста-секин эркинлаштириш, ишлаб чиқарувчининг якка ҳокимлигига чек қўйиш, рақобат муҳитини яратиш талаб этилади.

Иккинчидан, молиявий аҳволни барқарорлаштириш. Ушбу вазифани амалга ошириш қатъиян молия сиёсатини ўтказишни, кредит-банк тизимини ва пул муомаласини мустаҳкамлашни, пулнинг қадрсизланишига қарши таъсирчан ва изчил чора-тадбирлар кўришни тақозо этади.

Учинчидан, иқтисодиётимиз таркибини қайта қуриш. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётни замонавий техника ва технологияни кенг жорий этиш асосида ўзгартириш хом ашё етказиб беришга мўлжалланган бирёқламаликни бартараф этиш ва республикани рақобатга бардошли тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи ривожланган давлатга айлантиришни назарда тутади.

Тўртинчидан, бозор муносабатларига ўтишнинг асосий йўналишларидан бири қишлоқда амалга ошириладиган ислоҳотлардир. Айни қишлоқ республикамиз миллий даромадининг муҳим манбаи, фаровонлигимиз ва мўл-кўлчилик гаровидир.

Биз ерга эгалик масаласида республикамиз раҳбариятининг тутган йўлини жуда тўғри, деб ҳисоблаймиз. Чунки, бизнинг тарихий, миллий, ижтимоий ва табиий шароитларимиз ерни хусусийлаштиришга тамомила зиддир. Ерни деҳқонларга мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан бериш орқали ҳам қишлоқда бозор муносабатларини қарор топтириш, деҳқонларда мулкка нисбатан соҳиблик туйғусини қайта тиклаш мумкин.

Бешинчидан, иқтисодий мустақиллигимизни таъминлаш учун саноатимизнинг негизлари ҳисобланган тармоқларни ривожлантириш, кучли музориба сиёсатини ўтказиш ҳамда хорижга маҳсулот чиқариш имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланиш.

Умуман айтганда, иқтисодий ислоҳотларнинг бош мақсади — республикани тараққиётнинг янги поғонасига олиб чиқиш. Ислоҳотлар жараёнида халқимизнинг ақл-заковат ва маънавий салоҳиятини мустаҳкамлаш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш каби масалаларга эътибор берилиши ҳам диққатга сазовордир.

Олий Кенгаш сессияси маъқуллаган иқтисодий сиёсатнинг устивор йўналишлари партиямиз учун муҳим сиёсий ва амалий аҳамиятга эгадир. Шу боис бугун уларни халқ ўртасида кенг тарғиб этиш ҳамда амалга оширишда барча партия тузилмаларининг бевосита ва фаол иштирокини таъминлашга қаратилган масалаларга алоҳида урғу беришимиз керак.

Фикримизча, биринчи навбатда, сессия қарорларини, ислоҳотлар моҳиятини, уларнинг халқ манфаатларига тўла жавоб беришини ҳар бир фуқарога тушунтириш зарур. Зотан, Президентимизнинг китобларида кўрсатилганидек, республикадаги ҳар бир хўжалик ходими, ишчи, деҳқон, хизматчи, зиёли ислоҳотлар ғояси билан яшамоғи ва уларни ҳаётга татбиқ этишга фаол қатнашмоғи лозим.

Тарғибот ва ташвиқотнинг самарали бўлишини таъминловчи муҳим шартлардан бири ХДП аъзолари томонидан мазкур ҳужжатларни чуқур ўрганиб чиқиш, уларда баъён этилган қоида ва хулосаларни пухта ўзлаштиришдир. Шу муносабат билан Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитаси жойларда тўпланган тажриба ва кўплаб партия аъзоларининг истакларини ийобатга олиб, партиявий ўқишларнинг мунтазам шаклларини жорий этиш тўғрисидаги таклифларни маъқуллади. ХДП кенгашлари ва бошланғич ташкилотларнинг вазифаси — сиёсий тўгараклар ва «Мулоқот» клубларини ҳамда жамоавий машғулотларнинг бошқа шаклларини тузиб, уларнинг ишини йўлга қўйишдир.

Ислоҳотларни амалга оширишнинг муҳим шарти — жамиятдаги сиёсий барқарорликдир. Ўтган даврнинг ичида партия ташкилотлари бу ишга катта ҳисса қўшдилар. Галдаги вазифа — шу соҳадаги ишларни давом эттириш, фуқаролар ва миллатлараро тотувлик, тинчлик ва осойишталикни асраш учун куч-қудратимизни аямасликдан иборат.

Барча даражадаги партия ташкилотлари ўз мавқелари ва имкониятларидан фойдаланиб, меҳнаткашларни ташаббускорликка, иқтисодий вазифаларни самарали ҳал этишга сафарбар қилишга кўмаклашишлари лозим. Жумладан, улар мулк шаклларини ўзгартириш, корхоналарнинг замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтириш режаларини амалга оширишга баҳоли қудрат ҳисса қўшишлари керак.

Деҳқон (фермер) хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш зарур. Деҳқончиликдаги янги усулларни, хусусан, хорижий технологияни жорий этишга фаол кўмаклашиш даркор.

Иқтисодда, жумладан, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар бизнинг сиёсий мақсадларимизга бевосита дахлдор. Бу, авваламбор, ортиқча ишчи кучини қайта тақсимлашни ташкил қилишга тааллуқлидир. Зарар келтираётган, даромадсиз корхона ва хўжаликларни давлат тасарруфидан чиқариш, уларни маблағ билан таъминлашга чек қўйиш масаласи амалий вазифа бўлиб қолди. Аммо, бундай корхона ва хўжаликларда ишлаётган юзлаб, минглаб одамларнинг ишсиз қолишларига йўл қўйиб бўлмайди.

Қишлоқларимизда истеъмол қилаётган аҳолининг 6,5 миллион нафари меҳнатга лаёқатлидир. Уларнинг аксарияти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд. Ўз-ўзидан маълумки, мавжуд ерларимиздан оқилона фойдаланиш учун шунча миқдордаги ишчи ку чига зарурат йўқ.

Партия ташкилотлари бундай вазиятни чуқур таҳлил қилишлари, ушбу ҳолатдан чиқиш йўлларини ахтаришлари, ишдан бўшатилаётган кишилар тақдирига бефарқ қарамасликлари, уларни иш билан таъминлашга ёрдам беришлари лозим. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари билан биргаликда кичик корхоналар сонини кўпайтириш, касаначиликни кенгайтириш, ҳунармандчиликни ривожлантириш, меҳнат ресурсларининг талайгина қисмини ишлаб чиқаришдан ҳизмат кўрсатиш соҳасига ўтказиш чора-тадбирларини кўриш керак.

Ижтимоий сиёсат масалалари партиямиз диққат марказида ҳамиша туриши зарур. Бу ерда масаланинг қуйидаги жиҳатига алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Республика бюджети ҳадсиз эмас.

Шу сабабли ҳозирги босқичда ижтимоий сиёсат аниқ мақсадга йўналтирилган, унда мўлжал ниҳоятда тўғри олинган бўлиши лозим. Ҳукуматимизнинг ушбу соҳадаги фаолияти айнан шу қоидаларга ассоланган. Бу қоидаларнинг туб моҳияти шундан иборатки, маҳсулотлар ва энг зарур моллар учун ажратиладиган давлат дотациялари ҳисобига кўп болалик ва кам таъминланган оилаларни, нафақахўрлар ва ногиронларни, талабалар ва ўқувчи ёшларнигина ҳимоялаш лозим. Қолганлар эса меҳнатларига яраша ўз турмуш даражаларини таъминлашлари керак.

Бизнинг вазифамиз — ана шу йўлни қўллаб-қувватлаш, уни халққа тушунтириш ҳамда амалга оширишда ўзимизнинг ҳиссамизни қўшишдан иборатдир. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари бўйича Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларини бажарилиши устидан назоратни сусайтирмаслик керак. Барча партия ташкилотлари одамларнинг кайфиятини, муаммоларини пайқаб турсинлар, жойларда ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари қандай амалга оширилаётганлиги, аҳолининг бевосита мўлжалланган қатламлари бундан қай даражада баҳраманд бўлаётганлиги тўғрисидаги тўла ахборотга эга бўлсинлар ва давлат қарорларининг сўзсиз бажарилишини тегишли идоралардан талаб этсинлар.

Ижтимоий сиёсатимиз моҳиятини тушунтириш ишларини авж олдириш ҳам муҳимдир. Бунда асосий диққат эътиборни одамлардаги боқимандалик кайфиятларини бартараф этишга қаратиш талаб этилади. Биз ҳар бир кишининг турмуш даражаси фақат ўзининг меҳнатига боғлиқлигини аниқ-равшан тушуниб олишига кўмаклашишимиз лозим.

ОЛИЙ МАЖЛИСГА САЙЛОВЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ВА БИЗНИНГ ВАЗИФАЛАРИМИЗ

Ҳурматли ўртоқлар!

«Олий Мажлисга сайловлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Ушбу лойиҳада партиямизнинг кўпгина таклифлари ўз аксини топган. Жумладан, партиявий сайлов рўйхати ва партиялар ҳамда депутатликка номзодлар ҳуқуқларининг кафолатланиши, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари, шунингдек, бутун мамлакат миқёсида олинган овозларга мувофиқ вакилликнинг адолатли бўлиши тўғрисидаги бизнинг нуқтаи назаримиз инобатга олинган.

Биз мазкур қонун лойиҳасини қиёмига етказиш мақсадида нималар қилишимиз керак?

Авваламбор, Конституция лойиҳасини муҳокама этишда тўпланган ижобий тажрибага таяниб, қонун лойиҳасининг барча партия кенгаш ва ташкилотларида ҳамда матбуот саҳифаларида кенг муҳокамасини йўлга қўйиш зарурдир. Лойиҳани ўрганишга Марказий Кенгаш котиби А. С. Саидовнинг парламентга сайловларнинг чет эл тажрибасига бағишланган рисоласи ҳамда «Ўзбекистон овози»даги мақоласи кўмак бўлади, деб ўйлаймиз.

Муҳокама жараёнида тушган қўшимча, тузатиш ва мулоҳазаларни тўплаб, Марказий Кенгашга юборишни Қорақалпоғистон республика, Тошкент шаҳар ва вилоят партия кенгашларидан сўраймиз. Тушган таклифларни ўрганиб чиқиб, партиянинг умумий нуқтаи назарини ишлаб чиқиш учун пленумнинг Сиёсий ижроқўмига махсус ишчи гуруҳини тузишни топшириши айни муддао бўлур эди.

Сайловларга тайёргарлик ишларини барча сайлов округларида ҳудудий партия ташкилотларини тузишдан бошлаш зарур. Негаки, сайлов кампанияси даврида сиёсий ишларимизнинг асосий оғирлиги айнан мана шу партия тузилмалари зиммасига тушади. Жорий йилнинг охирига бориб, мана шундай партия ташкилотлари ҳар бир сайлов округида, ҳар бир маҳаллада, ҳар бир мавзеда, турар жойларда ҳаракат қилсинлар.

Мамлакатимиз тарихида парламентга биринчи марта кўппартиявийлик асосида ўтказилаётган бўлажак сайловлар жуда кескин сиёсий кураш шароитида ўтишини чуқур англаб етишимиз зарур.

Акс ҳолда, сайловда ғалабани қўлдан бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас.

Сайловларга тайёргарликнинг кейинги босқичларида асосий вазифаларимиз қуйидагилардан иборат:

партиямизнинг йўлини тушунтириш бўйича сайловчилар билан алоқаларни кучайтириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш натижалари асосида сайловолди тадбирларини белгилаш зарур.

Сайловчилар билан ишлаш учун ташвиқотлар гуруҳларини ҳозирданоқ тайёрлаш талаб этилади. Энг асосийси:

халқ ўртасида обрў орттирган ва ҳурматга эга бўлган партиямиз аъзоларини яхшироқ билишимиз, улардан энг муносибларини депутатликка номзод этиб кўрсатиб, партиявий рўйхатга киритишимиз лозим. Сайловчиларнинг, айниқса, ёшларнинг фикрини ўрганишда, Наманган вилоят партия кенгашида ўтказилганидек, социологик тадқиқот, сўров ўтказишни тавсия қиламиз.

Бўлажак сайлов кампаниясида «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари ва маҳаллий партия кенгашлари матбуотининг аҳамияти ошади. Шунинг билан бирга ҳар бир вилоят кенгаши ўзининг ҳафталик ахборотномасини чиқаришни йўлга қўйишни ўйлаб кўрсин.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди платформасини, стратегия ва тактикасини ишлаб чиқиш янада ўткирроқ бўлиб турибди. Олий Мажлисга сайловлар тўғрисидаги қонун қабул қилиниши биланоқ ушбу масала юзасидан Марказий Кенгашнинг навбатдан ташқари пленумини чақириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Ана шу пленумда партиямизнинг сайлов ишлари бўйича комиссиясини тасдиқлаш зарур. Бундан ташқари партия марказий ва маҳаллий кенгашларининг махсус тузилмаларини ташкил этиш керак бўлади.

Шуни унутмаслик лозимки, бўлажак сайловларда партиямизнинг кадрлар билан ишлаш ва ташкилий-сиёсий фаолиятининг етуклиги, унинг халқ билан алоқаларининг мустаҳкамлиги жиддий синовдан ўтади.

Партия Марказий Кенгаши ХДП Дастури ҳамда ижтимоий-сиёсий вазиятнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, мамлакатнинг касаба уюшмалари, хотин-қизлар, фахрийлар, ёшлар, тадбиркорлар, фан, маданият, соғлиқни сақлаш, халқ таълими муассасалари билан ҳамкорлик қилмоқда.

Республика миқёсида биз Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгаши раҳбарияти билан яхши ишчанлик муносабатларига эгамиз. Меҳнат жамоаларида фаолият кўрсатаётган партия ташкилотларимизни ҳам касаба уюшмалари ячейкалари билан яқиндан ҳамкорлик қилишга ҳаётнинг ўзи ундамоқда. Ўзбекистон металлургия комбинати ва Тошкент трактор заводидаги партиямиз аъзоларининг бу борадаги ишлари диққатга сазовордир. Лекин, ҳамма корхона ва хўжаликларда ҳам аҳвол шундай, деб бўлмайди.

Ёшлар билан ишлаш масаласи ўта долзарб бўлиб турган бир пайтда жойларда бу масалага эътиборнинг бирмунча камайганлиги партиямизнинг истиқболли мақсадларига мутлақо тўғри келмайди. 11 миллион сайловчидан икки миллиони биринчи марта овоз беради. Яна 3 миллион йигит-қиз овоз бериш ёшидадир. Республика Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга бўлажак сайловларни ҳисобга олиб, ёш фуқароларнинг кўпчилигига хос сиёсий лоқайдликни бартараф этиш чораларини кўришимиз лозим.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг қўшма пленум ўтказиш ва унда ўзаро ҳамкорликнинг йўлларини белгилаб олиш тўғрисидаги таклифини Марказий Кенгаш қўллаб-қувватлашини истар эдик. Албатта, ушбу қўшма пленум самарали натижа бериши учун биз жойларда ҳам ҳамкорлик қилишимиз керак. Ўзбекистон ХДП сафларини ёшлар ҳисобидан тўлдириб бориш, ёшлар Иттифоқи тизимида ишлаш учун партия кадрларини тайёрлаш, биринчи марта сайловда қатнашаётганларга эътиборни қаратиш, бўлажак сайловларда ташкилотларимизнинг уюшиб ҳаракат қилишларига эришиш зарурдир.

Кўппартиявийлик шароитларида биз учун муҳим масалалардан бири — бу партиясизларга муносабат масаласидир. Партия Марказий Кенгашида Ўзбекистон тадбиркорлар уюшмаси билан ўзаро ҳамкорлик шартномаси лойиҳасини тайёрлаш ниҳоясига етди. Биз уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашига ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида ўзаро ҳамкорликда ишлашни кўзда тутувчи ҳужжатни имзолаш таклифи билан мурожаат қилмоқчимиз.

Биз хорижий тажрибани ҳам ўрганаяпмиз. Жорий йилнинг май ойида, хитойлик дўстларимизнинг таклифига кўра, партиямиз делегацияси бу мамлакатга ташриф буюрди. Яқинда эса, Хитой Компартиясининг расмий делегациясини қабул қилдик. Икки партия ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди. Ҳиндистон Миллий Конгресси билан ўрнатилган алоқаларимиз ҳам жуда фойдалидир. Умуман, партиямиз Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини назарда тутиб, ўзининг халқаро алоқаларини ривожлантириб бормоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ВА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ

Азиз дўстлар!

Сизларнинг эътиборингизга ҳавола этмоқчи бўлган яна бир муҳим масала — миллий истиқлол мафкураси масаласидир. Партиямиз Раиси, республика Президенти И. А. Каримов ана шундай мафкурани ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этишни шу куннинг энг долзарб, умуммиллий вазифаси сифатида олға сурди. Чунки, буюк Ўзбекистонни вужудга келтиришдек улуғвор вазифани амалга ошириш истиқболимизга дахлдор эзгу ниятларимизга эришиш учун салоҳиятли маънавият тизими, замонавий ва халқчил мафкура керак.

Юртбошимиз даъватига жавобан бу борада партиямиз томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Марказий Кенгаш қошида махсус комиссия тузилди. Комиссия бир қатор тадбирлар, жумладан, вилоятларда семинарлар, давра суҳбатлари, матбуот саҳифаларида мулоқотлар ташкил этди, туркум мақолалар эълон қилинди.

Комиссиянинг фикрича, ушбу муҳим масала бўйича Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ўз нуқтаи назари бўлмоғи керак. Чунки, мафкуравий иш партиямиз фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Шуни ҳисобга олиб, Марказий Кенгаш комиссиясининг ишчи гуруҳи «Ўзбекистон Халқ демократик партияси миллий истиқлол мафкураси тўғрисида» деган ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқди. У даставвал комиссия йиғилишида таҳлил қилинди ҳамда Қорақалпоғистон республика ва барча вилоят партия кенгашларига муҳокама учун юборилди.

Бу ҳужжатни ишлаб чиқишда:

Биринчидан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Дастури ва Низоми, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, И. А. Каримовнинг асарлари, маъруза ва нутқлари ҳамда миллий ва умумбашарий қадриятларга таянилган, улардан асосий манбалар сифатида фойдаланилган.

Иккинчидан, партиямизнинг жамиятда тутган нуфузли ўрнидан ва мамлакатдаги етакчи сиёсий куч сифатида эътироф этилганлигидан келиб чиқиб, унинг туб сиёсий мақсадлари ифода этилган.

Учинчидан, ушбу ҳужжатнинг дастурий хусусиятини ҳисобга олиб, унда қўйиладиган масалаларни батафсил баён этмай, балки уларни умумий тарзда белгилаш билан чекланилган. Чунки, у назарий рисола ҳам, ёинки йўриқнома ҳам эмас.

Тўртинчидан, энг муҳими, мафкура тўғрисидаги ҳужжатимизда халқимиз турли тоифалари, табақаларнинг, мамлакатимизда яшовчи барча миллат ва элатларнинг манфаатлари ифода этилган. Миллий руҳ, Шарқ, хусусан, ислом фалсафаси қадриятлари билан суғорилган миллий истиқлол мафкураси ўз моҳияти билан барча миллат ва элатларни бирлаштирувчи, умумий Ватанимизни севишга даъват қилувчи, дўстлик, қардошлик ва ҳамкорликни тараннум этувчи байналмилал мафкурадир.

Бешинчидан, миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олувчи тўртта асосий соҳа — иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий йўналишлардан келиб чиқилган. Бунда ҳар бир йўналишнинг кўпқиррали ва ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги инкор этилмайди.

Ва, ниҳоят, **олтинчидан,** мафкурамиз мақсадларини ҳаётга татбиқ этишнинг асосий йўллари ва воситалари, яъни механизми белгиланган.

Ана шу асослардан келиб чиққан ҳолда, миллий истиқлол мафкурасининг моҳиятини қисқача қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Партиямизнинг олий мақсади — Ўзбекистоннинг чинакам мустақиллигига эришиш, ҳар бир инсоннинг моддий ва маънавий баркамол ҳаёт кечириши учун кенг имкониятлар яратиш, ҳуқуқий, демократик давлатни, инсонпарвар, адолатли жамиятни барпо этишда фаол иштирок этишдир. Ушбу мақсадга эришишнинг, ундан олдинроқ эса, ҳозирги иқтисодий тангликдан чиқиб олиш ва жаҳон хўжалигига қўшилишнинг бош воситаси — бозор муносабатларига ўтишдир. Шу боисдан, биз ишёқмаслик, текисчилик ва боқимандалик каби иллатлардан ҳоли, ишбилармонлик, ташаббускорлик, соғлом рақобатдан чўчимаслик каби фазилатларга эга бўлган янги иқтисодий тафаккурни шакллантириш керак, деб ҳисоблаймиз.

Айни замонда, биз бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида пайдо бўлиши мумкин бўлган салбий ҳодисаларнинг оқибатларини юмшатиш, аҳолининг ижтимоий ҳимоялаш бўйича давлат сиёсатининг изчиллик билан амалга оширилиши тарафдоримиз.

Биз жамиятимизда кенг демократик тартиботларни қарор топтириш, халқимизнинг сиёсий маданияти ва фаоллик даражасини муттасил ўстириб бориш, давлатнинг ислоҳотчилик ролини кучайтириш, мамлакатимизда юксак интизом ва уюшқоқлик, барқарорлик ва осойишталикни таъминлашга қаратилган ҳар қандай саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаймиз.

Олдимизда турган муҳим вазифалардан яна бири — миллий ва умуминсоний қадриятларни эъзозлаш ва илмфан ютуқларини ўзлаштириш асосида халқимизда замонавий тафаккур ва ахлоқий фазилатларни шакллантириш.

Истиқлол мафкурасида кўзланган мақсадларни рўёбга чиқариш учун, авваламбор, давлат ва ижроия ҳокимият идораларида Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларининг сайланиши ва тайинланишига эришиш ҳамда уларнинг дастурий ғояларимиз учун курашишларини таъминлаш талаб этилади.

ХДП ғоялари ва сиёсатини кенг кўламда тарғиб этиш ва чуқур тушунтириш ўта зарур. Бу барча партия кенгашлари, бошланғич ташкилотлари ҳамда партиявий матбуот органларининг бевосита ишидир. Шу билан бирга партия тасарруфида бўлмаган маънавият муассасалари ҳамда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш даркор.

Миллий истиқлол мафкурасини яратиш борасида қилинаётган ишларимиз шу соҳадаги илк қадамлардир. Уларни изчиллик билан давом эттиришимиз, кўзланган маррага, албатта, етиб боришимиз керак.

Шу мақсадда, Сиёсий ижроия қўмита қуйидагиларни тавсия этади:

Миллий истиқлол мафкураси тўғрисидаги Марказий Кенгаш комиссияси ишлаб чиққан ҳужжат лойиҳасини бугун асос учун қабул қилиб, унинг устида ишлашни давом эттирсак. Тўлдирилган, бойитилган ҳужжатни келгусида пленумлардан бирига ҳавола қилиш мумкин. Унгача лойиҳани «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарида эълон қилиб, умумпартиявий муҳокамага қўйишни таклиф этамиз.

Қорақалпоғистон республика ва кўпчилик вилоят партия кенгашлари комиссия тайёрлаган ҳужжат лойиҳасига ўз муносабатларини билдирдилар. Улар уни асосан маъқуллаб, турли фикр-мулоҳазалар айтмоқдалар. Тошкент шаҳар, Жиззах ва Тошкент вилоят партия кенгашлари эса ушбу масалага оид ўз нуқтаи назарларини ишлаб чиқдилар.

Сиёсий ижроқўм бугун асос учун қабул қилинадиган ҳужжатни барча даражадаги партия кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотларида муҳокама этишни тавсия қилади. Бундан мақсад — бу муҳим ишда бутун партиянинг иштирокини таъминлаш билан бирга, оммавий-сиёсий, тарғиботчилик ва ташвиқотчилик фаолиятимизни жонлантиришдир.

ИЧКИ ПАРТИЯВИЙ ИШЛАРИМИЗНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

Муҳтарам пленум қатнашчилари!

Юқорида кўрсатилган муаммоларнинг ечимини топиш, ҳал қилиш, биринчи галда, партиямизнинг давр талабига монанд фаолият кўрсатишига боғлиқ.

Икки йиллик иш тажрибамиз ХДП Дастури ва Низомига айрим ўзгартишлар киритишни тақозо этмоқда. Бу муҳим ишни парламент сайловларигача амалга ошириш ушбу сиёсий кампанияни ўтказиш учун алоҳида аҳамият касб этади.

Энди сизларнинг диққатингизни қуйидаги масалаларга қаратмоқчиман. Дастлаб сафларимизни янги аъзолар билан бетўхтоб тўлдириб бориш ҳақида. Шу йилнинг 8 ойи давомида Ўзбекистон ХДПга 23 мингдан зиёд киши кирди. Бутун ўтган йил давомида эса 26 минг киши қабул қилинган эди. Бу соҳада ишимиз, умуман, ёмон эмас. Лекин, жойлардаги аҳволни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, айрим партия кенгашлари ХДПга аъзолар қабул қилишни ўз ҳолига ташлаб қўйганлар.

Айни пайтда партиямиз дастурий вазифаларини рўёбга чиқаришга амалий ёрдам бериши мумкин бўлган, аммо сиёсий жиҳатдан бир тўхтамга келолмаганлар билан партия ташкилотлари етарли иш олиб бормаяптилар. Партиявий интизомни мустаҳкамлаш, Низом қоидаларини амалда бажариш масалаларига талабчанликни жиддий ошириш лозим.

Бошланғич партия ташкилотларининг нуфузини ошириш, уларнинг ишига аниқ йўналиш бериш ҳам жуда муҳим. «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» ягона кун тартиби билан бўлиб ўтган партия йиғилишлари кўпчилик ташкилотларимизнинг самарали фаолият кўрсатаётганлигидан далолат берди. Кўпгина ташкилотларимиз ўзлари учун муҳим бўлган масалаларни белгилаб олишди ва иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда фаол иштирок этмоқдалар.

Партиямиз олдида турган вазифаларни бажаришда Марказий Кенгаш аъзоларининг ўрни ўта масъулиятлидир. Буни сезиб ҳаракат қилаётган ўртоқлар оз эмас. Аммо Марказий Кенгашнинг ҳамма аъзолари ҳақида шундай дея олмаймиз. Шу муносабат билан Марказий Кенгаш аъзоларининг ўз шаҳар ва туманларидаги партия ташкилотлари олдида ҳисобот беришлари мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Азиз дўстлар!

Ҳеч шак-шубҳа йўқки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси масъулиятли давримизнинг юксак вазифаларига муносиб фаолият кўрсатиш учун барча зарур чораларни кўради ҳамда жамиятимизнинг нуфузли етакчи кучи сифатида мустақил Ўзбекистоннинг буюк истиқболини яқинлаштириш ишига ўзининг салмоқли улушини қўшади.

*) Маъруза қисқартирилган тарзда берилмоқда.

• ЭЛБЕК ТАВАЛЛУДИНИНГ 95 ЙИЛЛИГИГА

ТИЛ ИЛМИНИНГ БИЛИМДОНИ

Туркистонликлар 130 йилдан ортиқ мутеъликда яшадилар. Фақат 1937 — 1939 йилларнинг ўзида кўплаб айбсизлар отилиб кетди. Ана шундайлардан бири — туркий халқларнинг, хусусан, ўзбек миллатининг буюк шоири ва катта тилшуноси, мактабшунос олими ЭЛБЕК — МАШРИҚ ЮНУСОВ эди.

Қатағонлик гирдобида ғарқ бўлган бу улуғ инсоннинг ҳозирги мустақиллигимиз билан боғлиқ бўлган ўша 20 ва 30-йилларда қолдирган илмий ва амалий қарашлари, башоратлари, айниқса, бола тарбиясига оид таълимотлари тўғрисида илк бор фикр айтмоқчиман.

Биз Элбекка тил илмининг билимдони ва бола тарбиясининг зуккоси, деб таъриф берамиз. Бу ҳақ гап. Донолар, мутафаккирлар айтадиларки, ўз тилига меҳр қўйган инсон, ўз миллатига меҳр қўйган бўлади. Бу нарса ўша миллатнинг ҳаётида уммон янглиғ қадрият ҳисобланади. Шундан бўлса керак, Элбек 1922 йилиёқ «Тил» деган шеър ёзиб, уни ўша йили Туркистон Давлат нашриёти томонидан чоп этилган Фитрат, Чўлпон, Боту билан биргаликда ёзган «Ўзбек ёш шоирлари» китобида берди.

Яхшиси, ушбу шеърни ҳукмингизга ҳавола эта қолайлик:

Мунгли қушим, сайраб-сайраб, кел онглат!
Кимлар эрур, турк тилини сотувчи!
Булбул каби сайраб турғон бу тилни
Уёлмайин бу ўлкадан отгувчи
Болдан тотли, жондан тунук туркчани,
Тушунмайди хўрлаб, хўрлаб, ётғувчи,
Очунларда бойлиғини кўрмасдан,
Кимдур бунга: «ёрди, ёрмас деган!»
Мунгли қушим, унларни қўй, сен сайра,
Турк тилининг донғин чиқар кўкларга,
Қўй унларни, улар йўлдан озсунлар,
Тил ичида бўш бўғозлик сотқунлар.

Кўриб турганингиздек, Элбек ушбу шеъри билан биргина ўзбек тилининг қадриятларини эмас, балки бутун туркий тилларнинг нуфузини қадрламоқда, унинг ўзга тил, яъни ҳоким тилнинг соясида қолаётганлигидан ранжимоқда. Аслини олганда, Элбекнинг ушбу шеъри қадрдон дўст Фитратнинг «Тил» номи билан ёзилган тагдор шеърига жавоб тариқасида битилган эди. Ростини айтиш керак, 30-йиллар ғаламислар шу шеърни миллатчилик руҳидаги асар, Фитрат томонидан ёзилган «Тил» шеърининг давоми, уни қўллаб-қувватловчиси, деб ёзиб берган эдилар. Худди ана шу ғаламисликни сабрсизлик билан кутиб турганлар уни шоирнинг «иш»ига тиркадилар. Қарабсизки, Элбек энди тузоққа илинган эди.

Элбекнинг ўзбек тили муаммоларини ўрганиш, айниқса, мактабларда она тили ўқитишнинг илмий услубиятларига бағишланган қатор китоб ва дарсликлари, қолаверса, кўплаб илмий-методик мақолалари 20-йилларнинг бошларидаёқ чиқа бошлади.

Маълумки, инқилобдан олдин ҳам, кейин ҳам ўзбек мактаблари учун миллий мумтоз ёзувимиз бўйича муаллимлар ва ўқувчиларимизга аталган бирон бир жўяли, пухта имло қоидалари, ёзув йўл йўриқлари битилган қўлланма ёхуд дастур йўқ эди. Бор бўлса ҳам у тўлақонли, асосли эмас эди. Бу соҳада қўлланма яратиш ўша давр тилшунослиги ва маорифида ўта зарур бўлган илмий муаммолардан саналарди.

Масаланинг ана шу муҳим томонидан келиб чиққан тилшунос-педагог 1921 йилда 30-саҳифа ҳажмида «Туркдавнашр» томонидан 2-4-синф ўқитувчи ва ўқувчилари учун «Ёзув йўллари» номи билан алоҳида қўлланма чоп эттирди.

«Элимизда шу кунгача «Ёзув йўллари» йўқлиғидан ёзувларимиз бир турли ёзилмасдан ҳар кимнинг ёзғичи, истаган ёққа бурилиб, истаган йўл билан кетган ва орқасида бир неча турли йўлсиз юзага чиқиб қолғон эди. Бу йўлсиз ёзувларни бир тўғри йўлғо солиб, бир негиз-йўсин остиғо олмоқ керакмиди.

Буни энг олдин қойғурғон ва тушунғон «Чиғатой гурунги» мучалари бўлдилар. Булар йўлсиз қолғон ўзбек элининг ёзувини бир йўлғо ва бир негиз остиғо қўймоқ тилаги билан энг биринчи бўларлиқ, «Битим йўллари» остида бир китобча тоpқатиб элга янги ёзув йўлларини кўрсатдилар. Табиий, бунинг билан бизнинг ёзувимиз анчагина йўлғо солинди. Эл болалари анчагина бундан фойдаландилар.

Бироқ 21-йил бошинда бўлғон тил имло қурултой сўнгида имломизғо янгиликлар қўшулди. Шунинг билан «Битим йўллари» доғи кўрсатилган негизларнинг бир ози ўзгарди. Бунинг устига битим йўллари ёлғиз ўқитғувчилар учун йўл бошчилиғ эта турғон бир китоб бўлғонликдан мактаб болалари учун сабоқлик этиб тузилган эди.

Шунинг учун мен ушбу қўлингиздоғи битикча (китобча)ни янги йўлда қурултой тўқтамиғо (қарориғо) мослаб (мувофиқлаб) ёздим», — деб ёзганди муаллиф.

Элбек ўша давр маданий ҳаёти билан ҳамнафас қалам тебратди. Болаларга сабоқ ўргатиш, уларни онгли қилиш истагида иш тутди.

Атоқли педагог миллатимиз болаларини талаблар даражасидаги саводхон қилиш учун энг аввало, мактабларда таълим бераётган муаллимларни тарбиялаш лозимлигини қайта-қайта уқтирар, ўз китоб ва мақолаларида таъкидларди. У ўзининг «Матбуот тилида бирлик бўлсин» деган мақоласида: «Матбуотчилар ҳам ўқитувчидан таълим оладилар, улар ўргатганича ёзадир. Турли билимдоғи ўқитғувчилардан сабоқ олғон ўқитғувчи ҳам устози изидан борадир. Билимлар андоқ ўқитғувчидан ўрганган толиб-газетачи ҳам сўзларни турлича ёзадир...» деб ўқитарди.

Шу маънода Элбек она тилни барча фанларга таъсир этувчи, уларни ўз қонун-қоидалари билан забт этувчи кенг қамровли илм, фан деб тушунарди. Барча ўқитувчилар у қайси фан эгаси бўлишидан қатъи назар она тилини билишлари, тўғри ёза олишлари шарт, эди унингча.

Тилшунос олим 1923 йили «Туркдавнашр» томонидан «Бошланғич мактабда она тили» номи остида ўқитувчилар учун китобча чоп эттирди. Унда она тили ўқитиш учун қайси синфда қандай иш услубидан фойдаланиш лозимлиги, ўқитувчи қандай йўл тутса, унинг ҳар бир дарси ўқувчига етиб бориши мумкинлиги каби муҳим муаммолар ечими берилади.

Элбек ўз китобининг «Бир-икки сўз» деб аталувчи сўзбошисида ёзади: «Ёлғиз китобдан ўқитиш билан масала ҳал бўлмайди. Балки, ул китобдаги ёзилғон нарсаларни жонлантириб онглата билиш ва ўқутғон нарсаларни амалга ошириш керакдир. Албатта бу иш учун ўқиғувчиларнинг оз бўлса-да мана шул китоблар каби ўқутиш йўлларини кўрсататурғон бир асарни кўздан кечиришлари тегишдир...».

Элбекнинг ушбу илмий методик руҳиятидаги лингвистик асари ҳозирги маорифимизнинг ислоҳи кетаётган долзарб кунларда мактабларимиз учун сув ва ҳаводек зарурдир. Минг афсуски, ҳозирги мактабларимизда она тилидан дарс бераётган ўқитувчиларимиз атоқли педагог тавсия этган дарс ўтиш методларини яхши билмайдилар. Ваҳолонки, Элбек таъбири билан айтганда, она тили ўқитувчисининг ҳар бир дарси энг аввало бола учун тўла тушунарли бўлишдан ташқари, у тўлақонли бир саҳна асари бўлиши керак.

Атоқли олим Элбек илмий тадқиқотчи, турколог, тил тарихининг етук билимдони сифатида 2 босма табоқдан ортиқ ҳажмда 1924 йили «Инқилоб» журналининг 13-14-сонларида «Луғат ва атамалар» рукни остида жуда катта мақола эълон қилиб, унда XIV—XVI асрлар мутафаккирлари М. Солиҳ, Навоий, Бобур асарлари ҳамда «Шажараи турк» каби обидалардан олинган сўзларнинг асосий ва ёрдамчи маъноларини тарихий жиҳатдан тўғри изоҳлаб беради. Агар таъбир жоиз, бўлса, ушбу асар бутун туркологияда туркий тилларнинг изоҳли луғатини яратишда асос бўлган, десак хато бўлмас.

Элбек тажрибали луғатшунос. сифатида 1934 йили «Ўзбекча шаклдош сўзлар луғати»ни ҳам чоп эттирди.

У новатор ўқитувчи, кўплаб дарсликва қўлланмалар яратган филолог-методист олим эди. Унинг қаламига мансуб «Ўқиш китоби», «Ўрнак», «Билим», «Ўзбекистонда янги алифбе тарихи учун материаллар» каби дарслик ва қўлланмалар такрор-такрор босилиб чиқди. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун унинг 1926 йилда «Ҳайвонлар» исмида суҳбатлар ва уларга изоҳ тариқасида шеърий матнлар берилган китобчаси ҳам чиққан.

Мўътабар номи ўзбек адабиётининг ўша 20- ва 30- йиллар дарғалари Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Қодирий билан бир сафда турадиган бу улуғ зот армонли қатағон қурбони бўлди.

Алломанинг кўп қиррали ижодини илмий ўрганиш, уларни кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этиш тилшунос олимларимиз зиммасидаги қарздир.

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
Элбек юбилейини ўтказиш комиссиясининг аъзоси.

«УРУШДАН ГАПИРМАНГЛАР...»

ҲАЙИТБОЙ бобо уруш кўрган одам. Босиқ. Мулоҳазали. Камгап ва соддафеъл. Бир гаплашган киши шунча хотираларни қандай кўтариб юрибди экан-а, дея ҳайратланади. Лекин...

Негадир кейинги пайтларда уруш кўрганлар ҳақида кам эслаяпмиз. Улар эса жим. Бизлардан меҳр-мурувват сўрамайдилар. Гоҳо йўқлаб қўйсак кўнгиллари тоғдек кўтарилади. Секингина «урушдан гапирманглар» деб қўйишади. Дарвоқе, бизлар сезмай қолаяпмиз: катта урушни кўрганлар сони битта-битта камайиб бораётир.

ЎЗИНИНГ ҲИКОЯСИ. — 1938 йиллари Ўзбекистон терма командасида футбол ўйнаганман. «Спартак» (ҳозирги «Чорсу» метросининг ўрнида) стадионида тўп тепардик. Ўйинчиларнинг бари ўзимизнинг ўзбек йигитлари эди. Кейин нима ҳам бўлди-ю, биз ҳам билмай қолдик, командани тарқатиб юборишди. Сўнг армияга кетдим. Днепропетровскка тушдим. Уч ойдан сўнг командирлар мени Тбилисига — ҳарбий инженерлар тайёрлайдиган билим юртига ўқишга юборишди. Уч йиллик ўқишни икки йилда тугатдим. У ердан тўғри 30-Иркутск дивизиясига йўллашди.

Ҳайитбой бобонинг ҳикояси узун. Тугамайди. 1943 йилнинг 16 июлигача бошидан кечган даҳшатли воқеаларни эшитиш оғир. Ўзиям гапира-гапира охири қўшиб қўйди: «Қўйинглар, эшитманглар. Бугундан гаплашайлик. Бизларнинг кўрган кунимиз қурсин. Уруш деса юрагим оғрийди...».

Бобо унвонга қизиқмаган. Урушга лейтенант бўлиб кириб, лейтенант бўлиб чиққан. Лекин фронтнинг энг даҳшатли ва хавфли марраларида хизмат қилган. Ҳар қадами ўлим билан ёнма-ён бўлган. Фашист (Ҳайитбой бобо немислар деган сўзни ишлатишни ёмон кўраркан)лар бу синчков йигитнинг миналаштирган нуқталаридан ҳеч қачон омон ўтиб кетолмас экан. Бобонинг тақдирида урушнинг аянчли харитаси чизилган: Рибница, Кавказ тоғлари, Владикавказ, Сухуми, Христав ва Глухорск довонлари, Кичик ер, ва ниҳоят Новороссийск...

1943 йилнинг 23 апрелини эса... Йўқ, унутолмайди. Чунки шу куни оёғининг олти, қўлининг беш жойидан ўқ еган эди. Кутаисидаги ҳарбий госпиталдан берилган ёзувлари сарғайиб, титилиб кетган «Касаллик варақаси»ни ҳалиям авайлаб асрайди. Боиси, ана шу госпиталдан тўғри Ўзбекистонга қайтиб келган эди-да...

Урушдан кейин ҳам Ҳайитбой Умаров уйида ётмади. Қўлидан неки иш келса ҳаммасини қилди. Ҳарбий комиссариатларда, халқ маорифи, савдо соҳасида ҳалол меҳнат қилди. Ҳатто бир замонлар тегирмончилик ҳам қилган экан. Буларни бирма-бир ёзишга имкон бўлсайди. Катта бир тарих.

Бобо ҳалиям тетик ва бардам. Болаларидан тиниб-тинчиган. Икки ўғли, бир қизи, етти невараси ва тўққиз чевараси бор.

Ҳайитбой бобони сўзимиз бошида бежизга камтарин демадик. Сабаби у киши биз билан икки соатча дардлашиб ҳам ёшларини айтмадилар. Хайрлашаётганимизда қўлимизни маҳкам сиқиб «шу шанба тўй қилаяпмиз. Келинглар» деб қўйдилар. Эшикдан чиқаётганимизда эса юз-кўзларидан нур ёғилиб турган Қамар момо боболарингизнинг «етмиш беш ёшларини нишонлаймиз» деди...

Норқобил ЖАЛИЛ.

• Тадбиркорлар бор бўлсин

ЭРТАНГИ КУНДАН УМИДВОРЛИК

БУ ҲАҚДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДАГИ ИИҒИЛИШДА АЙТИЛГАНДИ

Янгиланиш, покланиш жараёни сидқидилдан ҳалол меҳнат қилишни истаган ҳар бир одам учун катта имконият яратди. Зеро, одамлар нима учун, кимнинг манфаати учун ишлаётганларини яхши биладилар. Шахсий манфаат бор жойда эса албатта умумий манфаат ҳам юзага келади. Бинобарин инсоннинг оиласидан, рўзғоридан кўнгли тўқ бўлса, у умумий бойлик яратишга ҳам муносиб ҳиссасини қўшаверади.

Тошкентдаги дурадгорлик буюмлари заводи ишчи-хизматчилари ҳам шундай қилишмоқда. Чунки кейинги пайтда уларнинг маошлари анча ошди. Энди раҳбарлар уларга турли буйруқлар беришмайди. Аксинча самарали меҳнат қилишлари учун қулай шароит яратиб бераётирлар. Айни шу мақсадда биринчи навбатда ишчиларнинг яшаш шароитини яхшилаш ишлари амалга оширилди. Ваҳолонки, аввалларидурадгорларнинг кўпчилиги уй-жойга муҳтож ёки ёмон шароитда уй-жой қураш имконияти борлари ҳам қурилиш материаллари тополмай овора бўлишарди.

Ишчилар қўнимсизлиги, меҳнат интизомининг бўшашиб кетишига ҳам асосан шу нарса сабаб бўлар эди. Ҳозир эса бу муаммо деярли ҳал бўлди.

Бундан ташқари ишчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳамда дам олиб даволанишлари учун амалий ишлар қилинаётир. Масалан, корхонада ўртача маош 45—50 минг сўм. Малакали мутахассислар эса 75—80 минг сўмдан маош олишмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида одамларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ҳар иш куни ҳисобига 300 сўмдан овқат пули тўланмоқда. Ишчилар автобусларда корхонага олиб келинади ва яна ўйларига элтиб қўйилади. Кумушконда эса заводнинг дам олиш маскани мавжуд. Бу ерда ҳар шанба ва якшанба кунлари 80 киши оиласи билан дам олади. Ўзбекистон ёғочсозлик саноати бош бошқармаси қошидаги таъминот ташкилоти корхона ишчиларига турли танқис моллар ва талонда бериладиганидан ташқари ун, гуруч, ёғ, шакарни арзон нархда етказиб бермоқда.

Бундай ғамхўрликдан руҳланган корхона жамоаси ойлик режаларини ҳамиша ошириб бажараётир. Жумладан, ўтган йили бу ерда 8 минг квадрат метр дераза, ром, 15 минг квадрат метр эшик ишлаб чиқарилган бўлса, шу йилнинг ярим йилидаёқ 21 минг квадрат метр дераза, ром ва 29 минг квадрат метр эшик тайёрланди.

Хўш, бундай ютуқларга қандай қилиб эришиляпти? Ахир собиқ Иттифоқ корхоналари билан иқтисодий алоқалар узилиб қолган пайтда хом ашё топиш масаласи муаммо бўлиб турган бўлса? Бунинг иложи қандай топилди?

— Биз, — дейди корхона раҳбари Пўлат Латипов, — асосан республикамиз раҳбариятининг, хусусан Президентимиз Ислом Каримовнинг оқилона иқтисодий сиёсатидан мамнунмиз. Чунки ҳамдўстлик мамлакатлари билан иқтисодий алоқалар тобора яхши йўлга қўйилганидан корхонамиз ҳам манфаатдор. Зеро Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлатлар миқёсидаги олди-бердини, яъни клеринг усулидаги савдони йўлга қўйгани яхши бўлди. Бунинг натижасида биз ўз вақтида хом ашё олиб турибмиз. Айниқса, Россиядан етарли даражада ёғоч маҳсулотлари келаётир. Бундан ташқари «Иркутсклеспром» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан тўғридан-тўғри алоқаларимиз бор. Тузилган шартномага асосан шу йилнинг ўзида шериклардан 290 миллион сўмлик ёғоч-тахта келади. Демак, хом ашё сероб.

Биз завод цехларини айланар эканмиз, бу гапларнинг ҳақлигига ишонч ҳосил қилдик. Ёғоч, тахта, фанерлар бир текис қилиб тахлаб қўйилган. Аҳолига хизмат кўрсатиш цехида буюртмалар асосида дераза, ром ва эшик тайёрланар экан. Азиз Қосимов, Заҳриддин Турсунов, Асрор Аъзамов сингари усталар, бригада бошлиғи Акромхўжа Абдуллаевнинг қўли-қўлига тегмайди. Улар тайёрлаган маҳсулотлар эса бежирим.

— Аввалари бизда борйўғи беш фоиз халқ истеъмоли буюмлари тайёрланарди, холос, — дейди цех бошлиғи Маҳмуд Саидов. — Энди бундай маҳсулотлар анча кўпайган. Мижозларимиз ҳам сероб. Ниятимиз — уларни ҳамиша хурсанд қилиш.

Бошқа цехлар ҳам автоматлаштирилган. Кейинги йилларда улар таъмирланди. Янги-янги техника воситалари ўрнатилди. Жумладан, шу йилнинг ўзида 9 миллион сўмлик янги дастгоҳлар сотиб олинди. Булар барча ишларни механизация зиммасига юклаш имконини берди. Атроф-муҳитни муҳофаза этишга маблағ ажратилиб, вентиляция системалари яхшиланди. Техника хавфсизлигини таъминлаш ва бошқаларга 1 миллион сўм пул сарфланди.



Аввалари бу корхона асосан Тошкент қурилиши бош бошқармасига ва республиканинг бошқа қурилиш ташкилотларига эшик, ром, паркет етказиб берар эди. Бозор иқтисодиёти шароитида эса фақат шу маҳсулотларни тайёрлаш билан чекланиб бўлмаслиги аён бўлиб қолди. Шу боис — янги-янги имкониятлар қидириб топилди. Кейинги уч йил ичида маҳсулот турлари кўпайди. Чунончи, хонтахта, беланчак, каравот, журнал столи чиқара бошланди.

Айниқса мебель цехининг ишга туширилиши қувончли бўлди. Ҳозир бу ерда халқимиз дидига мос юмшоқ стуллар тайёрланаётир. Улар бежирим ва юмшоқ бўлгани учун харидоргир. Бу ерда тайёрланаётган юмшоқ мебеллар, яъни диван, кресло ҳам ўз харидорини топмоқда.

Яқинда яна бир янги маҳсулот чиқа бошлади. Бу шарқ ўймакорлиги усулида ишланган девор шкафидир.

Умуман, ўтган йили 6 миллион сўмлик халқ истеъмоли буюмлари тайёрланган бўлса, шу йилнинг тўққиз ойи ичида бу кўрсаткич 50 миллион сўмликдан ошди. Корхона бундан кейин ҳам шундай йўлдан бораверади. Чунки, қимки бозор талабига мос маҳсулот тайёрласа унинг ошиғи олчи.

Буни корхона ишчилари яхши тушунишади. Шу боис маҳсулот сифатини янада оширишга ҳаракат қилишмоқда.

— Лекин ҳозирги кунда ҳамма ишларимиз ҳамирдан қил суғургандек осон кечмаяпти, — дейди корхона бош муҳандиси Тоҳир Тўраахмедов. — Баъзи муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, комплектловчи буюмлар, пружина етишмаяпти. Мебель учун зарур бўлган паралон эса фақат Украинадан келтирилади. Шериклар эса маҳсулотни бизга ўз вақтида етказиб беришмаяпти. Украина билан иқтисодий алоқалар кучайса, ушбу хом ашёни келтириш муаммоси ҳал бўларди. Лекин қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Бир амаллаб хом ашё топаяпмиз.

Эндиликда бизни хурсанд қиладиган воқеа юз берди. Яқинда «Ёғочмаш» деб номланган янги тажриба заводи ишга туширилди. Ўйлайманки, яқин келажакда комплектловчи буюмлар ҳам бисёр бўлади. Ана ўшанда биз тайёрлаган мебеллар сифати янада ошади. Кейин эса тайёр маҳсулотларимизни яқинда қуриб битказиладиган фирма дўконимизда бемалол сотаверамиз.

Ҳа, бош муҳандис айтганидек, тадбиркорлик билан иш тутилса, ҳамма нарсага эришиш мумкин. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда ҳам айтилганди. Демак, эртанги кундан умид қилса бўлади.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: корхонанинг қўли гул ишчи-хизматчилари ва тайёр маҳсулотлардан намуналар.

Владимир МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

• Элга хизмат—олий ҳиммат

ТАЯНЧ

Қудратилла Исмоиловнинг ҳамиша мижозлар билан гавжум бўладиган хонасидан ҳеч кимнинг кўнгли тўлмай кетмайди. Ўз ташкилотининг банкдаги операцияларига оид тушунмовчиликларни кўпчилик шу ерда ҳал этади. Кредит билан боғлиқ муносабатларга аниқлик киритади. Бошқа масалалар бўйича маслаҳатлар олади. Ўзбекистон пайчилик тижорат саноат-қурилиш банки Амалиёт бошқармасининг бошлиғи Қудратилла Исмоилов доимо шундай: ўз ишининг моҳиятини белгилайдиган нарсаларнинг ҳеч бирини назардан қочирмайди. Унинг учун мижозлар билан ишлаш, уларга тегишли масалаларда ёрдам кўрсатиш катта шараф. Негаки, у шундай бой тажрибага эришгунга қадар оғир ва машаққатли меҳнат йўлини босиб ўтган...

Ўқишни тугаллаган Қудратилла Сирдарё вилоят Қурилиш банкига бориб ишлашни ихтиёр этди.

1966 йил Тошкентдаги зилзила оқибатларини бартараф этиш мақсадида Қурилиш банкининг Тошкент шаҳар бўлими тузилди. Қудратилла Исмоилов бу бўлимда бошлиқ ўринбосари сифатида иш бошлади. Бўлим собиқ иттифоқнинг барча республикаларидан Тошкентни тиклашга келган қурувчилар билан иш олиб борди. Ўша йиллари унинг қўл остида атиги 27 ходим бор эди. 1988 йилда эса бўлим кенгайиб бошқармага айлантирилди ва унинг ихтиёрига Саноат-қурилиш банкининг шаҳардаги 11 та бўлими бериб қўйилди.

Бу ютуқларда ўша йиллари бошқарма бошлиғининг муовини бўлиб ишлаган Қудратилла Исмоиловнинг ҳиссаси беқиёс бўлди. Уни 1990 йилнинг кузида қурилиш банкида тузилган янги — Амалиёт бошқармасига бошлиқ этиб тайинлашди. У аввало корхоналарнинг банк билан боғлиқ бўлган иш жараёнларини енгилаштиришга ҳаракат қилди. Чунки Тошкент шаҳридаги кундан-кунга кўпайиб бораётган уюшмалар, қўшма ва кичик корхоналарга хизмат кўрсатишга мавжуд банкларнинг қуввати кифоя қилмас эди. Амалиёт бошқармаси ана шу жамоаларнинг банк хизматига бўлган эҳтиёжларини тез орада қаноатлантирди. Унинг таркибида фуқаролардан валюта сотиб олиш, чет элга кетаётган фуқароларга валюта сотиш йўлга қўйилди. Қатор корхоналарнинг валюта ҳисоблари очилди. Хорижда ва мустақил давлатлар ҳамдўстлигида бошқарманинг ҳисобот счетлари иш олиб бора бошлади. Қолаверса у барча банк муассасалари бажарадиган ишлардан ташқари республика (вилоят) саноат-қурилиш банкининг барча хўжалик, таъминот ишларини, бошқа банклар билан ўзаро ҳисоб-китобни ҳам ўз зиммасига олди. Ишни ташкил этишдаги самараси омилларга боис Амалиёт бошқармасининг мижозлари йил сайин кўпайиб бормоқда. 1991 йил январь ойида бошқарманинг ҳисобида бор-йўғи учта мижоз ташкилот бўлган бўлса, 1992 йили бу рақам 158 тага, етди. Айни пайтда Амалиёт бошқармаси хизмат кўрсатаётган ташкилотларнинг сони 400 тадан ортиб кетди. Буларнинг орасида «Ўзтрансгаз», бирлашмаси, «Узбекнефтгаздобичие» бирлашмаси, «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошшаҳар «Йўловчитранс» ассоциацияси, «Сельхозмаш», «Узметаллургпром» давлат концернлари ва бошқа йирик меҳнат жамоалари бор.

— Бошқармамизда 5 мингга яқин ҳисобот счетлари ишлаб турибди, — дейди бошқарма бошлиғи Қудратилла Исмоилов. — Бундан ташқари жаҳондаги Швеция, Германия, Туркия ва Италия каби қатор ривожланган мамлакатларда очилган ҳисобот счетларимиздан мижозларимиз кенг фойдаланишмоқда. Бундай ҳисоблар Москва, Днепропетровск, Львов, Минск, Олмаота ва Чимкент шаҳарларида ҳам ишлаб турибди.

Ҳа, замон ўзгарди. Ҳаётнинг ўзи банкка бўлган эҳтиёжни кўпроқ қондиришни, унинг хизматларини жаҳон талаби даражасига кўтаришни тақозо этмоқда. Юксак талаб ва масъулиятдан келиб чиқиб, шунга яраша ўз ишимизни олиб боришга ҳаракат қилаяпмиз. Бунинг учун аввало корхоналарнинг банк иши билан боғлиқ бўлган масъулиятли ходимлари орасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари билан учрашиб, молиявий соҳада йиғилган масалаларни ўз вақтида ҳал этишга ҳаракат қилаяпмиз. Айни чоғда ишимизни ташкил этишда меҳнат жамоалари мутахассисларнинг фойдали таклиф ва мулоҳазаларини ҳам ҳисобга олиб бораяпмиз. Зарур бўлганда улардан фойдаланмоқдамиз. Давлат қонунларига риоя этган, уни бузмаган ҳолда хўжалик ва ташкилот вакилларини қандай лавозимда бўлишидан қатъий назар, хушмуомалалик билан кутиб олиб, уларга ўзлари мурожаат қилган масалани иложи борича тез ва ижобий ҳал қилишга интиляпмиз. Чунки, банкнинг ҳаётийлиги мижозлар билан. Биз баҳоли қудрат шу принципга амал қилган ҳолда иш олиб бораяпмиз. Мана, уч йилдирки, фаолиятимиз юзасидан биронта ҳам шикоят ва эътироз тушганича йўқ: аксинча, иш-кўламимиз тобора кенгаймоқда.

Ҳа, Амалиёт бошқармаси жамиятимиз ҳаётида ўз ўрнига эга. Ҳозир бошқарманинг йиллик соф даромади республика саноат-қурилиш банкининг учта вилоятникидан кам бўлмаяпти. Бу нур устига нур. Зеро, ишнинг тепасида ишбилармон раҳбар, ўз соҳасининг жонкуяри, банк аъзочиси Қудратилла Исмоилов турибди. У ўзининг дадил ҳаракатлари билан бошқарманинг элга кўрсатаётган беминнат хизматини кенгайтириб, замон талаби даражасига кўтармоқда.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• СПОРТ •

БАҲС, БЕЛЛАШУВ, УЧРАШУВ

⊙ ФУТБОЛ. Олий лигачилар Ўзбекистон миллий чемпионатининг 22-тур ўйинлари бўлиб ўтди.

Навбатдаги учрашувлар кўпдан бери пешқадамликка даъвогарлик қилаётган Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари билан пахтакорчилар мавқеига ойдинлик киритди. Фарғоналиклар «Суғдиёна» жамоасини қабул қилиб (0:3), очколарини 39 тага етказган ҳолда ягона пешқадам бўлиб олишди. Пахтакорчилар эса 34 очко билан иккинчи бўлиб туришибди. Улар «Навбаҳор» майдонида имкониятни (1:2) бой бериб қўйишди. Бу ғалабадан кейин наманганлик футболчилар 31 очко билан 3-ўринда анча мустаҳкамланиб олдилар.

⊙ ЕНГИЛ АТЛЕТИКА
Наманганда Ўзбекистон биринчилиги ўтказилди.

Мусобақада югурувчилар орасидан келаси йили ўтказиладиган жаҳон чемпионатига номзодлар сараланди. Мусобақада эса жамоа ҳисобида Андижон ва Тошкент вилояти спортчилари ғалаба қозонишди. Шахсий ҳисобда тошкентлик С. Колесников, Андижондан Е. Муллажонов, Е. Зайцевалар соврин ва пул мукофотлари олдилар.

«ЎЗИМНИ-ЎЗИМ ОТАМАН, АСАБИМ ЧАТОҚ»

МУХОЛИФАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ СИЁСИЙ ҚИЁФАСИНИ БОСИБ ЧИҚАРИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАМИЗ

Мақолада тилга олинган «демократлар»га бизда ҳам йўл очиб берилганда, билмадик, қандай кунларга қолар эдик, минг қатла шукрким худонинг ўзи асради. Зора, ўзини «демократ» деб билганлар ҳам ушбу мақолани ўқиб, адолатли хулосалар қилишса.

Мақола газетхонлар эътиборига ҳавола этиляпти.

Шодмон Юсупов, уни Шодмон Юсуф ҳам дейишади, 1949 йилда Кўрғонтепа вилоятида туғилган, миллати тожик, олий маълумотли, фалсафа фанлари номзоди, собиқ марксизм-ленинизм идеологи, Тожикистон Фанлар академияси фалсафа бўлимининг собиқ партия ташкилотчиси. Эътиқодли коммунистман деб ҳаммани ишонтириб келган эди. 1990 йилгача ҳам илмий ва ижодкор зиёлилар орасидаги миллатчи унсурлар олға сурган сепаратчилик (ажралиб чиқиш) ғояларига қарши байналмилалчилик нуқтаи назаридан иш тутган эди. Жамиятшунос олим, атеист сифатида у ислом ақидапарастларининг таъсири остидаги жойларда яшовчи қариндошларининкида бўлган вақтда ақидапарастларнинг раҳнамолари билан учрашиб турган. Улар билан мунозаралардан сўнг ана шу диний-сиёсий оқимнинг муддаолари нақадар ҳавфли эканини англаб етди. Бу оқим ислом давлатини ўрнатишга интилаётган эди. Ўз кузатишлари, хавотирликлари ҳақида у Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг ўша пайтдаги масъул ходимларига бир неча бор маълум қилган эди (у сиёсатшунос сифатида партия ўқуви тизимида машғулотлар ҳам олиб борган). Бунда у ижтимоий-сиёсий муаммоларни кўра билгани учун сиёсатшунос сифатида партиянинг фаол ходимлари назарига тушаман ва мафкура соҳасидаги ишга кўтариламан деб юрди. Келажакда Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг мафкура бўйича раҳбарларидан бири бўлиб қолишга умид боғлади. Тожикистон Фанлар академияси парткомининг котиби лавозимига ўз номзоди кўрсатилганини касб соҳасидаги ўсишининг биринчи босқичи деб билди. Аммо иззатталаб фазлини билган ҳамкасблари унга ишонч билдирмадилар. Шундан кейин у ҳамкасбларига Тожикистон Компартияси мендек атоқли коммунистдан маҳрум бўлиб қолиши мумкин, деб айтди. Партияда раҳнамоликка даъвогарлик муддаолари уни Тожикистон Компартияси район, шаҳар, вилоят комитетлари ва марказий комитетининг ходимлари билан шахсий мухолифликка олиб келди.

У Компартияда бирон-бир юқорироқ лавозим ололмаганига хафа бўлиб ундан чиқиб кетган кишилар тоифасига мансубдир. У 1990 йил бошларидаёқ Тожикистон Олий Кенгаши депутатлигига номзод бўлиб, ҳокимиятнинг мавжуд партиявий структураларига ўтиб олишдан умидини узмайди. Шу мақсадда М. Мирраҳимовнинг бўлажак Тожикистон халқ фронтига бошчилик қилиш тўғрисидаги таклифини рад этади. «Ростахез» норасмий ҳаракати негизида ана шу халқ фронти юзага келиши керак эди. Ш. Юсупов бузғунчи кучларнинг муваффақиятига умид қилди.

Бу кучлар 1990 йил 17 февралда Душанбе шаҳрида руҳсат берилган митинг ўтказишни режалаштирган эди. Уларнинг ниятларига кўра ҳукуматга қарши жазавани авж олдириш, митингбозлар олға сурган талаблар Тожикистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг ўша пайтдаги таркиби ва ҳукуматнинг истеъфога чиқишига олиб келиши керак эди. Истеъфодан кейин янги мансабдор шахсларни тайинлаш натижасида Ш. Юсупов Тожикистон Компартияси Марказий Комитети котиби бўлиб қолмоқчи эди. Бунда у Тожикистон Компартияси Марказий Комитети мувақкат бюросига бошчилик қилиши лозим бўлган Бўри Каримовга алоҳида умид боғлаганди.

Аммо 1990 йил 11 февралда ислом ақидапарастлари жиноий унсурларнинг фаол иштирокида жўрттага оммавий тартибсизликларни келтириб чиқардилар. Бу эса республика раҳбариятини Конституцияга хилоф равишда алмаштирилишини узил-кесил ҳал қилди.

Сиёсий раҳбарликка ҳар қандай йўл билан ўтиб олишга интилган таъсирчан шахс Ш. Юсупов ана шу кунларда ўз партиясини тузиш зарурлиги тўғрисидаги хулосага келди. Ақидапараст кучлар билан яширинча бирлашиб олди. Бу кучлар катта пул ва моддий бойликларгами эга бўлиб қолмай, шу билан бирга тартибсиз бўлиб қолган ёшларга ҳам катта таъсир ўтказаётган эди. Пойтахтдаги бутун ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқаришда асосий ўринни ёшларга бериш мўлжалланган эди. Ўз навбатида ислом ақидапарастларига ўша даврда «демократ» деб аталган лозим бўлган жамиятшунос олим, сиёсатшунос Юсупов Шодмон каби ниқобланган «хизматкор» керак эди.

1990 йилнинг 10 августида демократик партия (яъни Шодмон партияси) сиёсий майдонга чиқди. Тожикистон Фанлар академиясининг мажлислар залида ўтган таъсис конференциясида Ш. Юсупов бугундан бошлаб республикадаги сиёсий вазият тубдан ўзгаради, деб айтди. Вазият ўзгарди ҳам. Аммо жуда ёмон томонга қараб ўзгарди. У ўз нутқларида республикада яратилган ҳамма яхши нарсаларни, тожик халқи қаётидаги ҳамма муқаддас нарсаларни жон-жаҳди билан қоралай бошлади.

Анча кам сонли демократик партия ҳеч қачон нуфузли бўлган эмас. Шу сабабли партия аъзоларининг сони, пул билан таъминлаш манбалари ҳеч қачон рўй-рост ва аниқ маълум қилинмаган. «Қизиқувчан» кишиларга «бу бизнинг ички сиримиз», деб жавоб беришарди. «Адолат» газетасининг ноширлик фаолияти батамом ислом тикланиш партиясининг қарамоғида эди.

«Демократлар»дан Ш. Юсупов, Р. Мусулмонқулов, Б. Собир, А. Сатторов ва бошқалар ташкил қилган митингларда шу нарса кўзга ташланардики, уларнинг товарагида ҳамиша оқ дўппи — «тоқия» кийиб олган кишилар (ислом ақидапарастларининг фаоллари) ўралашиб юришарди. Улар «аниқ мақсадга қаратилган демократия»ни қўллаб-қувватлар эдилар, «демократлар» кўпдан-кўп митинглардан чарчаб қолишганда уларни дарҳол демократларга хайрихоҳ ёшлар билан алмаштирардилар. Вақти келиб «демократлар» ўз минбарларини ислом ақидапарастларига батамом бўшатиб бердилар. Халқ митинг, йиғилиш, ўйинларнинг минбарлари, шу жумладан оммавий ахборот воситалари ислом тикланиш партияси раҳнамоларининг қўлига бутунлай ўтиб қолганининг гувоҳи бўлди.

Тожикистон демократик партияси демократлари «Тоталитар режим» билан курашаётган Россияга сўздагина эргашаётган эди. Душанбедаги демократларни қўллаб-қувватлаб чиққан Травкин, Собчак ва академик Велиховга, шунингдек хорижий журналистларга дунёга келган янги демократия ислом ақидапарастларининг қўлидаги ўйинчоқ экани маълум эмасди. Ислом ақидапарастлари демократик шиорлар остида ўрта асрларга хос қийноқ-азоб усулларини, «соф» ислом номи билан ваҳшийларча қотилликларни, аслида эса ислом фашизмини тикладилар.

Тожикистонда бир неча йил мобайнида яширин иш олиб борган ислом ақидапарастлиги «демократия»га асос солди, демократик партия эса дўқ-пўписа, кўрқитиш ва ҳукуматга тазйиқ ўтказиш йўли билан биринчи навбатдаги вазифани, яъни ислом тикланиш партиясини қонунлаштириш ва расмий равишда рўйхатдан ўтказиш вазифасини муваффақиятли уддалади. Республика қозилиги шу партиянинг ишончли таянчи бўлиб қолди.

Ш. Юсупов ўз «маҳсулини» парламент типидаги партия деб атаб, ўзи овоза қилган дастурни ва низом нормаларини бузиб, демократик принципларга хиёнат қилди, Тожикистон Демократик партиясини ислом ақидапарастлари ғояларининг тарғиботчисига айлантириб қўйди. У қозиликдан ва ислом ақидапарастларидан чиққан кўрсатмаларни айнан бажариб келди. Мана шуларнинг ҳаммаси партиянинг парчаланишига сабаб бўлди, унинг ўнлаб аъзолари — ҳақиқий демократлар Шодмоннинг ғаламислик сиёсатига норозилик билдириб, демократик партия сафини тарк этдилар. Тожикистон Демократик партиясининг экстремист қаноти эса ислом тикланиш партияси билан ошкора бирлашиб кетди.

Кейинчалик демисломчилар блоки 1992 йилнинг 5—7 май кунлари пойтахтда амалда давлат тўнтариши қилди. Ш. Юсупов раҳбарлигида ҳукумат муассасалари, радио ва телевидение босиб олинди. Унинг «оқ фотиҳаси» билан Тожикистон Демократик партияси раисининг муовини Р. Мусулмонқулов Шаҳидон майдонида 52 кун давом этган митинг даврида митингбозларни қўлга қурол олишга чақирди. Ш. Юсупов 17 нафар халқ депутатларинигина эмас, шу билан бирга Душанбедаги 8-мактаб рус синфлари ўқувчиларини ҳам гаров сифатида ушлаб қолиш ташаббускори бўлди. У телевидение орқали гапириб, бутун дунёга шундай деди: «Агарда рус аскарлари биз томонга ўтмаса, у ҳолда гаровга олинганларни отиб ташлаймиз». Ш. Юсупов ҳокимиятга эришиш мақсадида русийзабон кишиларнинг ҳаммасини гаровга олинглар деб эълон қилди. Бу билан у русийзабон аҳолининг Тожикистондан оммавий равишда кўчиб кетишига сабабчи бўлди. Ҳокимиятпараст муллалар Шаҳидон майдонида у билан ёнма-ён туриб ва унинг йўл-йўриғи билан Қўшма Штатларнинг ҳукумати шаънига — «Америкага ўлим!» деган сўзларни бақириб турдилар.

Ўзгача фикрловчиларни, демислом блоки ҳокимият тепасига келганидан норози бўлганларни бостириш мақсадида «Ситоди нажоти ватан» қабилидаги ҳарбийлаштирилган тузилмалар ташкил этилди, Тожикистон Халқ демократик армияси тузилди. Ш. Юсуповнинг сўзларига қараганда, улар гўё вазиятни барқарорлаштиришда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ёрдам берган эмиш. Аслида эса улар ўз хатти-ҳаракатлари билан сиёсий вазиятни батамом издан чиқариб, жамиятнинг минтақавий ва маҳаллий принциплар бўйича парчаланишини жадаллаштирдилар.

Ш. Юсупов Тожикистонда фуқаролар уруши авж олдирилишининг бош айбдорларидан бири бўлиб қолди. У 1992 йилнинг июнидан бошчилик қилган айни «Нажоти ватан» жангарилари (штаб Душанбе шаҳридаги Эрон элчихонасидан молиявий ёрдам ва маслаҳат олиб турди) қонуний сайланган Президент Р. Набиевни Душанбе шаҳри аэропортида қўлга олдилар ва уни қурол ўқталиб туриб истеъфога чиқиш тўғрисида ариза ёзишга мажбур қилдилар. Ш. Юсупов ва Демократик партия аъзолари «Нажоти ватан» штаби билан биргаликда республика фуқаро мудофааси қўмитасининг биносини кушхонага ва сиёсий мухолифларни сўроқ қилиш жойига айлантирдилар.

«Нидои ранчбар» газетасининг мухбири Жумахон Ҳотамованинг оёғига ўқ отиб, ярадор қилишгандан кейин Ш. Юсупов уни сўроқ қилишда шахсан иштирок этди. Ш. Юсупов «Нажоти ватан» жангариларини Кўрғонтепа вилоятининг Шаҳритуз, Қабодиён туманларига юборди. Ана шу жангарилар одамларни оммавий равишда ўлдириш билан шуғулландилар. Ун комбинатининг директори Абдулмажид Ҳафизов иш жойининг ўзида ўлдирилди. 1992 йилнинг 23 октябридан 4 ноябригача бўлган даврнинг ўзидагина ана шу жангарилар Қабодиён туманида 68 кишини қатл қилдилар, шу жумладан бир оиланинг 13 аъзосини — бир ёшлик чақалоқдан тортиб биринчи гуруҳ ногирони — бир қўли йўқ Холмурод Мирзоалиевни отиб ташладилар. Мана шу бедодликлар ва қотилликларга Ш. Юсуповнинг ноибларини — демпартия раиси муовини Тоҳир Абдусатторов ва ислом тикланиш партияси раисининг муовини Алибек Сатторов бошчилик қилди.

Ш. Юсуповнинг фирибгарлик сиёсати натижасида Тожикистон фуқаролар уруши гирдобига дучор бўлди. У жазолаш ёки авф этиш ҳуқуқига эгаман, деб ҳисобласа: «Агар кимдаким бўйсунмаса — —отиб ташлашим мумкин», дер эди. Ҳўжайинлар билан суҳбатда эса бу гапни бирмунча ўзгартириб, «Агар менинг гапимга қулоқ солмасангиз — ўзимни-ўзим отаман, асабим чатоқ», дерди.

Ш. Юсупов қўними йўқ одамдек гоҳ Москвада, гоҳ Қозонда, гоҳ Қобул, Лондон ёки Парижда пайдо бўлиб қолади. Ҳозир қаердалигини айтиш қийин. Аммо у қаерда пайдо бўлмасин, ҳамма жойда ўзининг «олижаноб ниятлари, мақсад ва вазифалари» учун азият чеккан «ҳақиқий демократ»ман деб жар соляпти. Бундан ташқари, у ўзининг ўтмишини оқ қилиб кўрсатишга уринган, ҳамма нарсани ўзгалар гарданига ағдаришга ҳаракат қиляпти ва Тожикистон Республикасининг ҳозирги қонуний ҳукуматини, ҳозирги тузумни кўп гуноҳлар қилди, деб айбламоқда. Шуни айтишар эканда, ўз айбини билса, ёрилиб ўлади деб.

Тожикистон Республикасининг «Бизнес и политика» ҳафтаномаси, 1993 йил, 12 сентябрь.

ЯЙЛОВДАГИ МИНЕРАЛ СУВ

● Нишон райони марказидан қарийб 35 километр нарида Говур яйловида 50 даража иссиқликдаги минерал сув манбаи топилди. Район марказий шифохонаси бош врачи Сардор Эркаев ташаббуси билан сув таркиби обдон текширилди.

Семашко номли республика физиотерапия илмий текшириш институти олимлари хулосасига кўра, сувнинг таркибида инсон саломатлиги учун зарур минерал моддалар бор. Бу собиқ Иттифоқдаги Баржоми, Ессентуки, Турецковецк шифобахш сувларидан қолишмайди.

— Яйловдан чиқаётган минерал сув билан ошқозоничак, бўғин оғриқлари, гинекологик касалликларни даволаш мумкин, — дейди С. Эркаев. — Келажакда бу минерал сувни қадоқлаб, шишаларда аҳолига сотиш ва сув манбаи ёнида профилакторий қуриш мўлжалланмоқда.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● *Бизнинг суҳбат*

ТААССУРОТЛАР БИР ЖАҲОН

Ўзбекистон мустақил бўлгач уни жаҳон ҳамжамиятидаги кўплаб ташкилотлар эътироф этишмоқда. Халқаро эпизоотик бюронинг Европа мамлакатлари бўйича минтақавий комиссияси ҳам шулар жумласидандир. Яқинда мазкур комиссия раиси жаноб Никола БЕЛЕВ мамлакатимизга ташриф буюриб, ўзи машғул бўлган соҳа ходимлари меҳнатига юқори баҳо берди. Қуйида мухбиримизнинг хорижлик меҳмон билан суҳбатини ҳавола этамиз.

— Мен бу ерга Халқаро эпизоотик бюронинг маъмурий комиссияси қарорига кўра ташриф буюрдим. Ўзбекистондан ташқари Россия, Қозоғистон ва Тожикистон каби мустақил мамлакатларда бўлдим. Бизнинг бюрога жаҳоннинг 134 мамлакати, шу жумладан Ўзбекистон 1992 йилдан аъзодир. Биз Ўзбекистон заминига қадам қўйган кунимиз республика ойнаижаҳони орқали жаноб Каримовнинг чиқишини тамоша қилдик. Мен учун Ўзбекистоннинг иқтисодиёти, маданияти, бой табиий ресурслари ва жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари билан боғловчи тинчликсевар сиёсати ҳақида Ўзбекистон Президентининг ўзидан эшитиш жуда ёқимли бўлди.

Биз республика миллий ветеринария хизмати билан танишдик, Тошкент шаҳар, Самарқанд вилоят ветеринария хизмати, шунингдек Тошкент гўшт комбинатида бўлдик. Ўзбекистон республикасининг «Ветеринария тўғрисида» қонуни парламент томонидан қабул қилинганлиги бизни қувонтирди. Менга Ўзбекистонда ветеринария хизматининг йўлга қўйилиши маъқул бўлди, пухта касб тайёргарлигига эга одамлар яхши таассурот қолдирди. Биз мустақил Ўзбекистонга кадрлар тайёрлаш, ўқувни ташкил қилиш ва бошқа масалаларда эътиборни кучайтирмоқчимиз. Юртингиз ҳақида, унинг меҳмондўст халқи хусусида кўп гапириш мумкин. Лекин, энг муҳими, одамларнинг ўзаро аҳиллиги ва дўстлигидир.

ДОМЛАЛАР ГУРУНГИ

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбариятининг ташаббуси билан Тошкент шаҳри олий билимгоҳлари ижтимоий фанлар профессор - ўқитувчиларининг учрашуви бўлиб ўтди. Уни қисқача кириш сўзи билан вазир Ж. Абдуллаев очди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилингандан буён эндигина икки йил ўтди. Лекин шу қисқа муддат ичида мамлакатимиз асрларга татигулик йўлни босиб ўтди. Янги, демократик ҳуқуқий давлат, инсонпарвар, фуқаролик жамияти шакилланмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш мақсадида туб иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш кўлами кенгайиб бормоқда. Маънавий меросимиз, қадимий анъаналаримиз қайта тикланмоқда. Халқимиз ўзлигини таниб бошлади.

Яна бир муҳим нарса шуки, ҳамюртларимизда ўз кучқудратига, истиқлол ва истиқболга ишонч ҳосил бўлмоқда. Зеро, Президентимизнинг катта меҳнати, тинимсиз изланишлари туфайли мамлакатимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли танланди, ўтиш даврининг қонунқоидалари асослаб берилди.

Ана шу асосий йўналишлар ўзанида илмий-тадқиқотлар ўтказиш, жамиятимиз тараққиёти қонунларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш, жамиятшунослик фанларини янги босқичга кўтариш талаб этилади.

Шунингдек, XXI асрда яшаб меҳнат қилувчи, кудратли Ўзбекистонни бунёд этувчи мутахассис ва раҳбарларни тайёрлаш масаласи ҳам долзарбдир. Зеро, ушбу мақсадни кўзлаб олий таълим тизимида жаҳон тажрибаси асосида ўтказилаётган ислоҳотларнинг ўзи етарли эмас. Ҳар бир бўлажак муҳандис, олим, ишбилармон, раҳбар ҳодим маънавий етук, ҳаракатимиз мақсадларини яхши тасаввур этадиган баркамол инсон бўлмоғи учун ҳозирги ўқувчи ва талабаларнинг гуманитар таълим-тарбиясини талаблар даражасида йўлга қўймоқ лозим. Бу вазифа ҳам, деди вазир, ижтимоий фанларнинг мутахассислари, шу фанлардан дарс берувчи домлаларнинг зиммасига тушади.

Ва, ниҳоят, Ватанимизнинг ўтмиши, ҳозирги аҳволи ва келажагига доир далиллар, ғоя ва илмий хулосаларни кенг тарғиб этишни ҳам шу фанларнинг мутасаддиларисиз тасаввур этиш қийин.

Агар олий ўқув юртларида ижтимоий фанларни ўқитишда пайдо бўлган қатор қийинчиликлар ва муаммоларни ҳам ҳисобга олсак соҳа мутахассислари билан доимий молоқотларни йўлга қўйиш алоҳида аҳамият касб этади. Табиийки, тарихчилар, файласуфлар, иқтисодчилар, сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар умумий ва махсус муаммолар тўғрисида баҳс-мунозаралар ўтказсинлар, фан янгиликлари билан танишсинлар, услубий маслаҳатлар олсинлар.

Хуллас, ижтимоий фанлар домлаларининг бошини қовуштириш, уларнинг учрашувларига доимийлик тус бериб, долзарб масалаларни эркин, ижодий муҳокама этиш зарурати туғилди.

Тўпланганлар мазкур ғояни ҳам, учрашувларни ойда бир марта ўтказиш тўғрисидаги таклифни ҳам маъқуллладилар. Табиийки, учрашув қатнашчилари муҳокамага қўйиладиган муаммолар тўғрисидаги маърузаларнинг матнларини «Маърифат» газетасида эълон қилиб бориш, йилнинг якунида эса китоб қилиб чиқариш ҳақидаги фикрга ҳам тўла қўшилдилар.

Ўзбекистон тарихини ўрганиш, ўқитиш ва тарғиб қилиш масалаларига бағишланган профессор А. Абдунабиевнинг дастлабки маърузаси йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Мулоқотда фаол иштирок этган профессорлар К. Норматов, Қ. Усмонов, М. Шаропов, доцент М. Усмонов ва бошқалар маърузачи илгари сурган ғоя ва таклифларни маъқуллаб, мамлакатимиз тарихини ўқитишга доир қатор таклифлар киритдилар.

Ҳа, Тошкент олий ўқув юртлари ижтимоий фанлар домлаларининг катта гурунги фойдали бўлди.

Шу нарсани мамнуният билан қайд қилиш даркорки, мазкур вазирликнинг ушбу хайрли иши Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг жамият тўғрисидаги фанларга ва уларни ўқитишга эътиборни кучайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларига ҳамоҳангдир.

Собир ҚУРБОНОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент.

⊙ Самарқанд бугунги кунгача ўзининг бетакрор тарихий обидаларн, мақшинкор ёдгорликлари билан дунё аҳлини ҳайратга солиб келмоқда. Бироқ вақт ўтган сайин бу маданий мерос дурдоналарининг умри қанча, деган савол барчанн ташвишлантирмоқда.

Шу боис обидаларни сақлаш ҳамда таъмирлашга алоҳида эътибор берилаётир. Вилоятда бу иш билан шуғулланувчи бошқарма ҳам тузилди.

УЛАР ЯНГИ РЕГИСТОННИ ҚУРИШАДИ

Таъмирлаш юмушларини бажаришда миллий меъморчилигимизнинг Самарқанддаги ҳақиқий билимдонлари — уста Ширин Мурод, уста Болта Жўра, уста Қули Жаббор кабилар яратган тажриба мактаби жуда қўл келаётир. Уста Абдуғаффор Ҳаққулов эса бу сулола анъанасини давом эттираётган меъморлардан. Унинг ташаббуси билан яқинда қўҳна ва навқирон шаҳарда вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфида меъморчилик санъати мактаби ташкил этилди.

Мактаб Хўжа Аҳрор Валий қишлоғидаги Нодир Девонбеги мадрасасида жойлашди. Унда иқтидорли ёшлар меъмор, муҳандис, наққош, ганчкор, кошинкор, дурадгор ва лойиҳачи бўлиб етишадилар. Ким билади дейсиз, эҳтимол бу бўлажак усталар иккинчи Регистонни бунёд этишар? Ҳарқалай, яхши ният — ярим давлат...

ҚИШЛОҚДА КОРХОНА

Яқинда Пайариқ туманининг «Халқобод» давлат хўжалигида Самарқанддаги «8 март» тикувчилик фабрикасининг филиали очилди. Айни вақтда қишлоқнинг 120 нафар чевар хотин-қизи бичиш-тикиш ишларини дадил бошлаб юборди. Корхона маъмуриятининг режаларига кўра, яқин кунлар мобайнида тикувчилар сони яна 20 нафарга кўпаяди.

Яллабой НУРИДДИНОВ.



ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Термиз шаҳрида бўлиб ўтган вилоят фаолларининг йиғилишида вилоят ҳокими Ж. Норалиев Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ ўн учинчи сессиясида Ўзбекистон республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Ўзбекистонда иқтисодий сиёсатнинг устивор йўналишлари ва «Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» рисоласидан келиб чиқадиган вилоят ҳокимиятининг вазифалари тўғрисида маъруза қилди. Фаоллар йиғилишида республика Вазирлар Маҳкамасининг бўлим мудири Ш. Абдулазизов нутқ сўзлади. Йиғилиш тегишли қарорларни қабул қилди.

«Ўзбекистон» овози» мухбири.

● *Ажаб савдолар*

ЖАРРОҲНИНГ ХАТОСИ

Қумқўрғоннинг Жалойир деган қишлоғида Ғайрат деган бола бор. Армон нималигини ҳали у билмайди. Чунки, энди тўртга кирди. Лекин норасиданинг бошига тушган кўргулик...

Ғайрат ота-онадан ёлғиз ўғил. (Ундан олдин туғилганлари турмаган). Дардга чалинди, уни кафтларига кўтариб, силаб-сийпаб, Жарқўрғоннинг «Сурхон» давлат хўжалигига қарашли шифохонага элитдилар. Дўхтирларга минг хушомаду, минг такаллуф (ҳозирги замоннинг такаллуфи қанақалигини ўзингиз биларсиз) қилиб, болажонимизни даволаб беринглар, дейишди.

Жарроҳ (Қодиров деган дўхтирни биз жарроҳ деб аташга мажбурмиз. Жарроҳ, деманг, дипломини пеш қилиб, ўпка-гина гап айтади) Ғайратнинг қовуғидан тошни олиб ташлайман, деб операция тўшагига ётқизди. Ва айрим тахминлар, ҳамда миш-мишларга қараганда ширакайфлиги ёки уқувсизлигими панд бериб...ни кесиб ташлади. Бошқача қилиб айтганда жарроҳ Ғайратни анамалияга айлантирди-қўйди.

Дастлабки уринишда қарғақарғанинг кўзини чўқимади. Вилоят тибэксперти боланинг ўзи туғма анамалия, деган хулосани берди. Бироқ терговчи Шуҳрат Алимирзаевни бу билан чалғитиб бўлмади. Ишга Тошкент аралашди ва холис хулоса берди. Қодиров А. Ўзбекистон жиноят мажмуининг 109-модда 2-қисми билан айбдор деб топилди ва ...авфга тушди.

Тақдирнинг бу хунук ҳазили Виктор Гюго асарлари асосида яратилган «Кулаётган одам» фильмидаги воқеаларни эслатади. Қодиров А. чин маънода кулиб юрибди: эгнида ҳамон оқ халат. Касби ҳамон жарроҳлик. Ифодали қилиб айтсак, пичоғи мой устида. Ғайрат-чи? Найча орқали ёзилади. Инжиқ. Ҳалитдан кулишни унутиб қўйган. Худо умр берган бўлса, вақт келиб юрагидан катта армон ўсиб чиқади. Қодировга ўхшаган дипломли олифталарни қўрқувга соладиган армон...

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози мухбири.

ҲАЁННИНГ НАРХИ ҚАНЧА?

Очиғи, Самарқанд вилоят ҳокимининг тўй ва бошқа маъракаларни камхарж, ихчам, мазмунли ўтказиш юзасидан чиқарган қарори кўпчиликнинг жонига оро кирди. Ҳатто раҳбарларнинг ўзлари спиртли ичимликсиз, овоз кучайтиргичларсиз тўй қилдилар, элга наҳорги ош бердилар. Бу шаҳар қишлоқларда аста-секин таомилга кирмоқда.

Бироқ ҳамон никоҳ кечалари ва кундузги тўйларда хизмат кўрсатаётган серқилиқ раққосалар кўпчиликнинг ғашига тегаётир. Тўғри, тўй ҳам санъаткор учун бир саҳна, аммо унда фақат элга манзур бўладиган куй-қўшиқлар айтилгани маъқул. Баъзан овоз кучайтиргичларнинг ваг-ваг ёнидан қўни-қўшнилар ярим тунгача ухлай олишмайди. Нафақат четдагилар, ҳатто тўй дастурхонида ёнма-ён ўтирган меҳмонлар ҳам бир-бири билан гаплаша олмайдилар.

Шундай экан, кексаларнинг эътирозидан хафа бўлмаслигимиз керак.

— Илгари қўшиқчи ва бир доирачи даврани чунонам қизитишардики, бемалол ўзаро суҳбат ҳам қурардик, ашула ҳам эшитардик. Энди эса санъаткорларнинг ўзига тўйчи томонидан иккита енгил машина ва 15 кишилик алоҳида стол ажратилиши керак...

Хуллас, тўйчиларнинг ҳам жонига теккан шу артист чақириш дегани. Бир соат ашқол-дашқолини ўрнатади, яна шунча вақт ичида йиғиштириб олади. Ҳаммасидан ёмони раққосалар тўйнинг ўртасига келиб айниб қолишади: ўтирган меҳмонлар пул бермагунча стол атрофида айланаверади. Керак бўлса, кайфи тароқ кимсаларнинг тиззасига ҳам ўтиришади.

Улар одамлар ўзларининг устидан кулаётганини билишармикин? Тўйда қатнашаётган ўсмирлар, қизлар, болалар, керак бўлса катталар тарбиясигаям салбий таъсир кўрсатаётганини билишармикин?

Тўғри, яхши санъатга жон садақа. Аммо тўйга ҳамма ҳам чўнтагини пулга тўлдириб келмайди-ку?! Аслида бу гаплар, мулоҳазалар муштарий учун янгилик эмас. Лекин бу масалада мутасаддиндоралар бирор тўхтамга келишмаяпти. Эҳтимол, тўйларда овоз кучайтиргичларни ишлатмаслик, раққосалар хизматидан фойдаланмаслик ҳақида маҳаллий ҳокиминятлар қарор қабул қилишар? Сизлар нима дейсизлар?

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон маркаси билан чиқарилган винолар жаҳон кўргазмаларида юқсак баҳоланган, кўплаб медаллар билан тақдирланган.

Яқинда Булунғур районига келган италиялик меҳмонлар бизда тайёрланган виноларга юксак баҳо беришди. Маълумки, европаликлар турли арақ, ликер, ва бошқа ичимликлардан кўра кўпроқ шаробни афзал билишади. Бинобарин, тоза шаробнинг инсон организмига катта фойда етказишини қомусий олим Ибн Сино ҳам таъкидлаб ўтган. Лекин бизда виноларни реклама қилишга кам эътибор берилади. Ҳатто ҳар хил маркадаги винолар бир хил идишга жойлаштирилади. Бу эса маҳсулотнинг харидоргирлигини пасайтиради. Энди гап маҳсулотни ташқи бозорга маъқул қилишда. Бу йўлда ҳали кўп иш қилиниши керак.

Бироқ шунга қарамай Булунғур районидаги вино тайёрлаш заводи жамоаси эришаётган ютуқларни таъкидлаб ўтиш жоиз. Яқинда корхона тўла қайта таъмирланди. Цехларга янги асбоб-ускуналар, дастгоҳлар ўрнатилди. Мавсумга тўла шайланди. Корхона жамоаси бу йил 18 минг 200 тонна узумни қайта ишлайди. Булунғур, Бахмал, Ғаллаорол туманларидаги давлат ва жамоа хўжаликлари бу ерга узум етказиб беришяпти. Бундан ташқари корхона 5 та давлат хўжалигини ўз оталиғига олган.

Шуниси қувончлики, заводда ота-боболаримиздан қолган удумларни тиклашга ҳаракат қилинаётир. Айни ширинлик масаласи муаммо бўлиб турган шароитда корхонада шинни тайёрлаш цехи ишга туширилди. Бу ерда 116 киши меҳнат қилади. Цех ишчилари яқин келажакда шинни тайёрлашни янада кўпайтиришмоқчи.

СУРАТДА: завод ходимларидан У. Муродов, У. Абдунабиев, цех бошлиғи Ғ. Аҳмедов, корхона раҳбари Т. Жўманов янги ускунани кўздан кечиришмоқда.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 27. IX

● УзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Баҳовуддин Нақшбанд хотирасига бағишланган кураш бўйича халқаро мусобақалар.
18.35 «Пахта ҳосилини ёғмидан сақлайлик».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Ботаника боғида». Телефильм.
19.40 «Раққоса хиром этганда». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулмира Ширинова.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.00 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
22.05 «Марду майдон». Жиззах вилоятидан кўрсатув.
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Афшона—Ибн Сино Ватани». Телефильм.
19.30 «Ассалому алайкум» (такрор.).
20.30 «Бизнинг суҳбат».
21.00 «Билиб қўйган яхши».
21.20 «ДАН: йўлингиз бехатар бўлсин!».
21.55 «Инсон ва биосфера».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар..
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Нур оҳангларида сайр».
10.10 «Турмуш иккир-чиккирлари». Бадиий телесериал премьераси, 18-серия.
10.45 «Мавзу».
11.30 «Гол».
12.00 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Пешвоз».
16.35 «Умид кўчасида байрам».
17.20 «Иқболи кулганда».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Мультфильм.
18.40 «Гол».
19.10 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.20 «Кеча, бугун, эртага». Мария Миронова.
20.10 «Ҳафтанинг акс садоси».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Турмуш иккир-чиккирлари». Бадиий телесериал премьераси. 18-серия.
21.55 «Спорт уик-энди».

«Янги студия» таништиради:
22.10 «Бомонд».
22.25 «АТВ-брокер».
22.30 «ТВ-галерея».
22.50 «Мен».
22.55 «Вибор-2000».
01.05 «ТВ-Х».
Танаффус пайтида —(24.00) Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Телевизион меҳнат биржаси.
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Россияда бизнес».
9.30 Тонгги концерт.
9.45 «Мутлақо маҳфий».
10.45 Хонаки экран. «Васса». Бадиий фильм.
13.00 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.25 Кундузги сеанс. «Илтимос, кечиринг». Бадиий фильм.
14.55 «Испанияга қуш парвозидаги масофадан назар ташлаганда». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси. 4-серия.
15.25 Мульти-пульти.
15.35 Янгиликлар.
15.50 «Бола тилидан».
16.20 «Қутқариш хизмати 911».
17.15 «Трансросфир».

18.00—20.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 «Мусиқий синов». Ёш эстрада артистларининг концерти.
21.00 Душанба куни детектив. «Лаҳқ страйк» таништиради. «Гувоҳ». Бадиий фильм. «Криминал ҳодисалар» сериалидан.
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.35 «Экспомарказ таништиради».
22.50 «Формула-1» классида автопойга бўйича жаҳон чемпионати. Португалия гран-при.

Сешанба, 28. IX

● УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
7.30 «Эй, субҳи сабо...». Лирик концерт.
7.50 «Қойилмақом Гоша». Мультфильм. 1—2—3-фильм.
8.00 Мутахассис маслаҳати.
8.10 «Билиб қўйган яхши».
8.30 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 «Алёшканинг севгиси». Бадиий фильм.
10.20 «Ёшлик» студияси. «Оромгоҳ қўйнида».

* * *

17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Наврўз» (Андижон). 2-тайм. «Пахтакор» Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади.
18.50 Кинолавҳа.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Дилдан чиққан қўшиқлар».
19.55 Дунё воқеалари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.00 «Шаҳар бедарвоза эмас...».
21.45 «Абадият қонуни». Телефильм.
22.00 «Инсон ва замин». Бухоро вилоятидан кўрсатув.
23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
20.10 «СВ-экспресс».
20.45 «Алоқалар ва шартномалар».
21.15 «Меҳр-оқибатли бўлайлик».
«Омад» таништиради:
22.00 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Тинглаб, томоша қилинг».
9.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий филым премьераси.
10.30 «Инсон ва қонун».
11.00 И. Стравинский. «Петрушка» балети.
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Сарсонлик-саргардонликда». Ун уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Ишбилармонлар хабарномаси.
15.40 «Адам Смит бойлиги дунёси».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Иш».
16.25 «Тедди Ракспининг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
16.50 «Компас-эртак».
17.50 «Технодром».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «МДҲ: келишмовчиликдан ҳамжиҳатликка».
18.50 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.05 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.55 «Мавзу».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Ҳеч нарса ҳақида репортаж».
21.40 Балет артистлари VII халқаро танлови кундалиги.
21.55 «КТВ-I» ҳамда «Франс интернасиональ» канали режиссёр Клод Шаброль фильмлари ретроспективасини таништиради. «Қонли тўй». Бадиий фильм премьераси (Франция, Италия).
23.35 Катталар учун мультфильм.
24.00 Янгиликлар.
00.35 «Талаб қилинган кино».
01.05 Футбол. УЕФА кубоги. 1/32 финал. «Айнтрахт» (Франкфурт, Германия) — «Динамо» (Москва, Россия). 2-тайм. Германиядан олиб кўрсатилади.
02.00 Гольф бўйича Россия очиқ чемпионати.
02.30 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Телевизион меҳнат биржаси.
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.05 «45» публицистик кўрсатуви.

* * *

12.00 Юбилер фильмотеасидан. «Тарелкининг ўлими». Б. А. Товстоногов саҳналаштирган. 1-серия.
13.00 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.20 «Тарелкининг ўлими». 2-серия.
14.30 Бал рақслари бўйича Россия чемпионати. Лотин Америкаси программаси.
15.05 Миллий спёсат хроникаси.
15.25 Янгиликлар.
15.40 «Рост» студияси.
16.10 «Телегазета».
16.15 Духовой мусиқа концерти.
16.45 «Трансросэфир».
17.30 «Ҳақиқатни асровчилар». «Петербургнинг кичик сирлари».

18.00—20.35
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.35 «Асил ҳолича...».
21.30 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 224-серия.
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
22.20 «Сизнинг ҳуқуқингиз».
22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.45 А. Д. Сахаров номли II халқаро санъат фестивалида.

Чоршанба, 29. IX

● УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
7.30 «Қўлга олдим созимни».
7.50 «Қойилмақом Гоша». Мультфильм. 4—5—6 фильм.
8.00 Дунё воқеалари.
8.15 «Кувноқ болалар».
8.30 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 Республика газеталарининг шарҳи.
9.10 «Янгра, кўнглим...». Концерт.
9.45 «Шифокор олим».
10.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёшлик» студияси. «Ишонч».
18.40 «Хирмонингизга барака».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Тасвирдаги қўшиқ». Ҳайкалтарош Нозилов.
19.55 «Вайгач». Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.00 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.10 «Ўзбекистон — Ватаним маним». Видеофильм.
22.00 Замонавий ўзбек қўшиқларининг «Анор» телевизион танлови.
23.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Политотдел» (Тошкент вилояти) — «Нефтчи» (Фарғона). 2-тайм (ёзиб олинган).
23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Спринт».
19.45 «Ишбилармонлар».
20.25 «Дунё эшиги».
21.05 «Чорак асрлик йўл».
21.45 «Анор ҳосили».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 00.35 —Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Компас-эртак».
10.20 «Савдо кўприги».
10.50 «Вилоят салони» (Ростов-Дон).
11.15 Беларусь Республикаси Давлат симфоник оркестри ва Смоленск рус халқ оркестрининг концерти.
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Сарсонлик-саргардонликда». Ун уч серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.
13.25 «Бошқа кишилар». Теледи: «Ниҳол» телешоуси.
21.35 «Зайнаб Каримова куйлайди».
22.10 «Пульс». Хабарлар.
«Омад» таништиради:
22.25 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Кидди-Видди».
9.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
11.10 «Рус дунёси».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Сарсонлик-саргардонликда». Ун уч серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия.
13.35 «Яшаш муҳити». Телевизион бадиий фильм.
14.45 Мультфильм.
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Тедди Ракспининг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
16.40 «Сиз бунга қодирсиз».
17.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Қўнғир айиқлар соҳили». Телефильм.
18.55 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.05 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.50 «Майкл Жексон Москвада».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 Кино асри. «Тун». Бадиий фильм (Италия, 1960 й.).
23.20 В. Третьяков Николо Паганини асарларини ижро этади.
23.35 Хоккей. Халқаро хоккей лигаси. «Динамо» — «Крилья Советов». «Лужники» Кичик спорт майдонидан кўрсатилади. Танаффус пайтларида — Янгиликлар, «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Телевизион меҳнат биржаси.
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Ишнинг кўзини билган одам».
9.30 Тонгги концерт.
9.45 «Трансросэфир».
10.30 «К-2» таништиради. «Халқ франи».
11.25 Мульти-пульти.
11.50 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 225-серия.
12.40 «Мансаб алифбоси».
13.00 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.20 «Энзотика».
14.20 «Қутқариш хизмати 911».
15.15 Мульти-пульти.
15.25 «Тилла шпора».
15.55 «Рост» студияси. «Мусиқий синф».
16.25 Янгиликлар.
16.40 «М-трест».
16.55 «Маориф мевалари».
17.40 Параллеллар. «Аптекачи-93».

18.00—19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 226-серия.
20.50 «Антреприза». О. Басилашвили.
21.45 Катталар учун мультфильм.
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 «Снёсат майдонида».
23.20 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.
23.50 Мусиқий программа.

Пайшанба, 30. IX

● УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
7.30 Ўзбек халқ қўшиқларидан концерт
7.50 «Наташа учун эртак». Мультфильм.
8.00 «Кувноқ болалар».
8.20 «Тоғларда куз». Телефильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 «Матбуот саҳифаларида» (рус тилида).
9.10 «Сеҳрли саргузашт». Бадиий фильм.
10.20 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
10.35 Авторалли. «Сўғдиёна-93».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Усмирлар учун. «Улғайиш поғоналари».
18.40 «Бахтли онлар». Телефильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Осойишталик посбонлари». Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази ҳабар қилади.
19.40 «Мусиқий учрашувлар». Жиззахликлар ҳузурида.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.00 «Кўнгилда Ватан». Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида ижтимоий-иқтисодий ислоҳот ҳақида.
21.50 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти. «Туркистон» саройидан ёзиб олинган.
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 Болалар учун. «Табассум».
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.15 «СВ-экспресс таклиф этади.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.00 «Шаҳар бедарвоза эмас...».
21.45 «Абадият қонуни». Телефильм.
22.00 «Инсон ва замин». Бухоро вилоятидан кўрсатув.
23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
20.10 «СВ-экспресс».
20.45 «Алоқалар ва шартномалар».
21.15 «Меҳр-оқибатли бўлайлик».
«Омад» таништиради:
22.00 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Қорли олти кун». Болалар учун телевизион бадиий фильм.
10.30 В-А. Моцарт. Скрипка ва оркестр учун 3-соль мажор концерти.
11.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Америка М. Таратута билан».
12.50 А. Н. Островский. «Омад ҳамиша келавермайди». Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли.
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Бридж».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Мусиқанинг яратилиши». Ҳужжатли фильм премьераси.
16.30 «Ҳайвонот оламида». Режиссёр А. Згуриди фильмлари. «Гондваннинг ёввойи ҳаёти».
17.30 «Мен ўтмиш тўғрисида орзу ҳам қилмай қўйдим». Москва актёрлар ҳайрия фонди.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 «Қайтиш».
18.40 «Инсон ва қонун».
19.15 «Америка М. Таратута билан».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
21.40 «Детективлар клуби»да. «Марлов — хусусий изқувар». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия (Буюк Британия).
22.40 «Матбуот-экспресс».
«ВИД» таништиради:
22.55 «Снёсий бюро».
23.30 «Музобоз».
00.45 «Автошоу».
01.15 «Обоз» майдончаси. Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
02.20 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Телевизион меҳнат биржаси.
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Экспресс-почта кафолат беради...».
9.10 «Ватаним менинг...». 1-қисм.
10.05 «Ватаним менинг...». 2-қисм.
11.35 «Маски-шоу».
12.05 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 226-серия.
13.00 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.20 «Оқ қарға».
14.05 Театр сафари. «Кувноқ спектаклдаги мунгли мусиқа».
14.45 «Параллеллар».
15.00 Жума кунлари Дисней. «Буни мардлик деб атасан бўлади». Бадиий фильм.
15.50 «Рост» студияси. «Такой возраст» ёшлар тележурнали.
16.20 Янгиликлар.
16.35 «Трансросэфир».
17.05 В. Артёмов. «Кун ёришмоқда. Лондон симфоник оркестри ижро этади.
17.55 «Телегазета».

18.00—19.45
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.45 «Мусиқий мозаика».
20.30 Биз ёш севган комедиялар. «Ишдаги ишқ». Бадиий фильм. 1-серия.
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.40 «Ишдаги ишқ». Бадиий фильм. 2-серия.
23.45 «Генераллар ва Сибирь чипқони». Ҳужжатли фильм премьераси.
00.40 «Сигнал».
00.55 «К-2» таништиради: «Кинограф».

Жума, 1. X

● УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
7.30 Эстрада концерти.
7.50 «Бойликдан афзал». Мультфильм.
8.00 Мутахассис маслаҳати.
8.10 «Буюк Ипак йўли». Телефильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 «Ҳамма нарсани бир лаҳза ҳал қилади». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви: Информатика ва замонавий ахборот технологияси.
11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёшлар ва маънавият».
18.45 «Оддий кун». Телефильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳадя Юсупова куйлайди.
19.55 Дунё воқеалари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.00 «Ўзбекистон ва жаҳон».
21.30 «Ойдинлик». Омон Мухтор.
22.00 «Бўрондаги олишув». Бадиий фильм.
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Шахс ва илҳом».
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.00 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 1-серия — «Ихтиёр ўзимда эмас».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Қорли олти кун». Болалар учун телевизион бадиий фильм.
10.30 В-А. Моцарт. Скрипка ва оркестр учун 3-соль мажор концерти.
11.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Америка М. Таратута билан».
12.50 А. Н. Островский. «Омад ҳамиша келавермайди». Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли.
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Тедди Ракспининг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
16.40 «Командор ороллари. Медний». Илмий-оммабоп фильм.
17.00 «Қизлар ўртасидаги сир».
17.20 «Учар уй». Кўп серияли мультфильм премьераси.
17.50 «Технодром».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
18.50 Футбол. УЕФА кубоги. 1/32 финал. «Айнтрахт» (Франкфурт, Германия) — «Динамо» (Москва, Россия). Германиядан кўрсатилади.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.20 «Рус дунёси».
22.00 Футбол. Европа чемпионларининг кубоги. 1/16 финал. «Спартак» (Москва) — «Сконто» (Рига). «Лужники» Катта спорт майдонидан олиб кўрсатилади.
22.55 «Максима».
23.25 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида.
23.45 «Матбуот-экспресс».
24.00 Янгиликлар.
00.40 «MTV».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Телевизион меҳнат биржаси.
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 Христианлар учун кўрсатув.
9.30 «Асил ҳолича...».
10.25 Футбол. УЕФА кубоги. «Локомотив» (Москва) — «Ювентус» (Турин). I-тайм. «Локомотив» стадионидан олиб кўрсатилади.
12.05 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 224-серия.
13.00 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.20 «Сиз яратган боғ».
13.50 Кундузги сеанс. «Бир бор экан, бир йўқ экан чол билан кампир бўлган экан». Бадиий фильм.
15.40 «Телегазета».
15.45 «Трансросэфир».
16.30 Янгиликлар.
16.45 Мульти-пульти.
16.55 «Рус ижозатномаси».
17.25 «Рек-тайм».

18.00—20.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.30 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 225-серия.
21.20 «Экспомарказ таништиради».
21.25 «Анапа-93».
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 «Телевеча».
23.15 «Ксюша ҳузурида».

Шанба, 2. X

● УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
7.30 «Ёр ва диёр тароналари».
7.50 «Беадаб бола». Мультфильм.
8.00 Дунё воқеалари.
8.15 Шифокор маслаҳати.
8.30 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 Республика газеталарининг шарҳи.
9.10 «Мақом сирлари». Бадиий фильм.
10.40 Француз тили.
11.10 «Анъана ва замон».
11.40 «Қизил Яримой шуъласи».
12.20 «Яна муҳаббат ҳақида».
13.20 «Бурчга садоқат».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ойгул». Болалар учун фильм-концерт.
18.30 Футбол майдонларида.
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 Ўқитувчилар кунига. «Устоз ва мураббий».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Кинолавҳа.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.00 «Ислоҳот одимлари». Мамлакатимизда деҳқон-фермер хўжалигини ривожлантириш.
21.45 Дала меҳнаткашлари учун концерт.
22.20 «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари».
23.30 «Тунги ёғду». Дам олиш кинопрограммаси.

● УзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Бутун умр давомида». Телефильм.
19.40 Замонавий ўзбек қўшиқларининг «Анор» телевизион танлови (25 август кунидан такрор.).
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.00 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 2-серия — «Яшаш шарти».

● «ОРБИТА IV»

6.45, 8.30, 15.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.50 Эрталабки гимнастика.
7.00 «Матбуот-экспресс».
7.10 «Ишбилармон кишининг шанба тонги».
7.55 Янгиликлар.
8.35 «Спорт-имконият».
9.05 «Марафон-15» — кичкинтойларга.
9.35 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
11.00 «Авиакосмик салон».
11.15 «Мулкдор алифбоси».
11.25 «Мусиқий дўкон».
11.55 «Веди».
12.40 «Ҳукумат кишилари».
12.55 Балет артистлари VII халқаро танлови ғолибларининг концерти. Давлат академик Большой театридан кўрсатилади.
15.00 Янгиликлар.
15.25 «Пеппи Узун пайпоқ». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3 серия.
15.55 «Пул ва снёсат». Халқаро муносабатлар иқтисодиёт кўзгусида.
16.25 «Ультра-си». Спорт кўрсатуви. Кўҳна автомобиллар пойгаси.
17.05 «Виктория». Россия Темирйўл қўшинларининг 75 йиллигига.
18.25 «Қизил квадрат».
19.05 «Янгра, гармонь». Смоленскдан кўрсатилади.
19.50 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Ти Джей Хукер». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 7-фильм.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Бундан буён ва асрдан асрларга». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-фильм, 2-қисм.
22.10 «Резонанс» студияси таништиради.
22.30 «Брэйн ринг».
23.20 «Матбуот-экспресс».

Тунги канал

23.30 «Паст овозда». Ҳаммаси мода ҳақида.
00.40 «Рандеву». «Романтик меҳмон».
01.25 «Рок соатлар атрофида». Мусиқий ўйин. Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 «Ватанга қайтиш».
8.50 Мульти-пульти.
9.00 «730-формула».
9.30 «Бурда моден» тавсия этади...
10.00 «Рост» студияси. «Якунлар», «Бизнинг «Аралаш».

10.30—14.30
«ЎЗБЕКИСТОН» ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

10.30 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
10.40 «Ўзбекистон: ҳамкорлик йўли».
11.15 «Шарқ тароналари».
11.50 «Театр: Шарқ ва Ғарб» халқаро фестивали олдидан.
12.40 «АҚШда кичик бизнес».
13.20 «Салом, Франция!».
14.15 «Бу ажиб дунё».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

14.30 «Кўзгазмадан манзаралар».
14.45 «Чегарасиз футбол».
15.45 «Фильмлар премьераси».
16.00 Балтика узра «Юлдузлар туркуми».
16.30 «Шарман-шоу».

18.00—20.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 «Уинстон Черчилль—чўққига йўл». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 1-серия.
21.00 «Каунтдаун». Оммабоп куйлар янгиликлари.
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.35 «Ашула ўқитувчиси». Бадиий фильм.
24.00 «Репортёр».
00.15 «Кечки салон».

Якшанба, 3. X

● УзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
8.30 Ўқитувчилар кунига. «Ал Хоразмий ватандоши». Телефильм.
8.50 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 34—35 серициялар.
10.30 Ҳинд тили.
11.00 «Ёшлик» студияси. «Тежамкорлик сирлари».
11.35 «Бола бошидан». Мактабгача тарбия масалалари.
12.15 «Биргаликда куйлаймиз».
12.45 Хитой тили.
13.15 «Халқ ижодиёти».
13.45 «Ёшлик» студияси. «Фахрийлар — фахримиз».
14.25 «Ёшлар куйлаганда».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Билмасвой қуёшли шаҳарчада». Мультфильмлар.
18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари».
19.00 «Ҳафтанома» (рус тилида).
19.30 «Ойнан жаҳонда».
19.45 «Актёрлар ва роллар». Муҳаммад Абдуқундузов.
20.30 «Ҳафтанома».
21.10 «Ўзбекистон бастакорлари». Муҳаммаджон Мирзаев таваллудининг 80 йиллиги олдидан.
22.30 «Шоқол қопқони». Бадиий фильм.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

17.00 «ОМАД» таништиради.

● «ОРБИТА IV»

6.40, 15.15, 22.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Эрталабки гимнастика.
6.55 «Руҳни чиниқтириш».
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Автошоу».
9.00 «Марказ».
9.30 «Эрта саҳарлаб». «Денвер — динозаврларнинг энг сўнггиси». Кўп серияли мультфильм премьераси.
10.00 «Ҳамма уйдалигида».
10.30 «Спортлото» тиражи.
10.45 «Тонг юлдузи».
11.35 «Ақлли қизлар, ақлли болалар».
12.15 «Полигон».
12.50 «Янги авлод...». «Муваффақият».
13.20 «Муҳофаза ёрлиғи».
«КТВ-I» ҳамда «Франс интернасиональ канали» таништиради
14.00 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси.
14.10 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.

*

15.00 Янгиликлар.
15.20 Мультфильм.
15.30 Эфирда Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
16.10 «Саёҳатчилар клуби».
17.00 «Ҳунарли хор бўлмайди».
17.05 Мультфильмлар премьераси: «Каспер ва унинг дўстлари». «Ҳақиқий ажина овловчилар».
18.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
18.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
19.05 М. Захаров серпантини.
20.05 Экранда биринчи марта. «Френч канкан». Бадиий фильм (Франция).
22.00 Янгиликлар.
22.40 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида.
22.55 Футбол. Россия чемпионати. «Ротор» (Волгоград) — «Спартак» (Москва). 2-тайм. Волгограддан кўрсатилади.
23.45 Катталар учун мультфильм.
24.00 Янгиликлар.
00.15 А. Д. Сахаров номидаги II халқаро санъат фестивалининг якунловчи концерти. Нижний Новгороддан кўрсатилади.

● «

⊙ Эртага — халқаро туризм куни

МИЛЛИЙ БОЙЛИК МАНБАИ

Ҳар йили сентябрь ойининг охирги якшанба куни БМТ-нинг таклифига кўра Халқаро туризм куни нишонланади. Зеро кўпгина мамлакатларда туризм-миллий бойлик манбаи, деб ҳисобланади. Ўзбекистон ҳам бу борада катта имкониятларга эга. Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарлардаги қадимий меъморчилик ёдгорликлари бутун жаҳонга маълум ва машҳур. Ҳар йили 10 минглаб сайёҳлар келиб, бу жойларни зиёрат қиладилар.

Анъанага кўра халқаро туризм кунида шаҳарларда байрамлар, мусобақалар ўтказилади. Масалан, 19—20 сентябрь кунлари Тошкентдаги Анҳор канали бўйларида сайёҳлар мусобақаси бўлди. 22—дан 27 сентябргача эса Чотқол дарёсида сув спорти бўйича халқаро мусобақалар ўтаётир. 26 сентябрда эса Тошкентдаги Марказий «Меҳржон» боғида спортчи сайёҳларнинг байрамида қўшиқлар ижро этилади, турли кўриклар, викториналар бўлади.

Шуниси қувончлики, «Ўзбекмахсустуризм» республика ташқи иқтисодий ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ташкил этилган Тошкентдан Сурияга чартер рейси айнан халқаро туризм кунида амалга оширилади.

Р. ВАЛИЕВ,
«Ўзбекмахсустуризм» бош директори.

• *Эл соғлиги—юрт бойлиги*

МЕҲР КУНДА КЕРАК

Ўзбекистон Ижтимоий таъминот вазирлиги ташаббуси билан яқинда Янгийўл шаҳрининг сўлим гўшаси — «Янгийўл» санаторийсида «Ўзбекистонда ногиронликнинг олдини олиш, ногиронлар ва ёлғиз қарияларни ижтимоий ҳимоялаш» мавзуида Республика Илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Унда вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий таъминот бошқармалари масъул ходимлари, шунингдек Соғлиқни сақлаш ва Меҳнат вазирликлари, «Наврўз» хайрия жамғармаси вакиллари ҳамда Янгийўл шаҳри ва тумани ҳокимлари қатнашди.

Ўзбекистон Президентининг «Ўзгалар парваришига муҳтож қарияларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг қўшимча тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя шимча тадбирлари тўғрисидаги қарорининг бажаралиши хусусида республика ижтимоий таъминот вазири Баҳодир Умурзоқов маъруза қилди.

Бозор иқтисодиётига ўтилаётган мураккаб даврда ҳам ҳукуматимиз ногирон ва ёлғиз қарияларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор чораларни кўрмоқда. Давлатимиз бу тоифа кишилар турмуш даражасини яхшилашга алоҳида эътибор бераётир. Нафақалари оширилиб, имтиёзлар берилаяпти. Шу йилнинг ўтган ярим йилида биргина пенсиялар учун 78 миллиард сўм сарфланди. Ногиронларни муҳофаза этиш давлат дастури ишлаб чиқилди. Олий Кенгаш ўнучинчи сессиясида фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши ҳам ғамхўрликдан нишона.

Зеро, республикада ногиронлар ва ёлғиз қариялар сони ортиб бораяпти. Энг ачинарлиси, сўнгги йилларда ногирон туғилаётганлар кўпаймоқда. Ота-она соғлом бўлса зурриёди ҳам бекаму кўст бўлади. Экологик ҳолатнинг ёмонлашуви, қариндош-уруғлар ўртасида бўлаётган никоҳлар ҳам болалар ногиронлигига бир сабаб. Яна бир гап — соғлиқни сақлаш тизимидаги расмиятчилик ҳақида. Нега бизда аксарият ҳолларда дардга чалинган йиқилиб қолмагунича ногронлик берилмайди. Меҳнат қобилиятини йўқотган фуқароларга саломатлигини тиклаш учун ногиронлик берилиши айни муддаодир. Шундай қилинса, соғайиш кўпаяди, одамлар жўшқин ҳаётга қайтади. Бу масаланинг конференцияда қайта-қайта тилга олинганлиги ҳам шундан.

Аҳолининг кам таъминланган, меҳнат қобилиятини қисман ёки буткул йўқотган ҳамда заиф туғилганларга ёрдам бериш, улар кўнглини кўтариш борасида Тошкент, Фарғона ва Навоий вилоятларида иш яхши ташкил этилган. Бироқ, айрим вилоятларда ижтимоий таъминот ва соғлиқни сақлаш ходимлари, кўпроқ расмиятчилик билан шуғулланмоқдалар. Натижада шикоятлар кўпаймоқда.

Ногиронларни замонавий ҳаракат воситалари билан таъминлаш муаммоси ҳам долзарб. Ўзимизда энди аравачалар ишлаб чиқарилмоқда. Навбатда турганлар эса анча. Шунга қарамай, чет элдан қиммат бўлса ҳам аравачалар сотиб олиниб навбати билан муҳтожларга берилаётир.

Уларни меҳнатга жалб қилиш — ҳаётга қайтариш демакдир. Бироқ корхона ва хўжалик раҳбарлари ожизларни ишга олишдан бош тортаётганлигини одамийлик нуқтаи назаридан қандай баҳолаш керак? Назаримизда, ногиронлар ҳуқуқини таъминлаш учун қонун йўли билан мутасаддилар масъулиятини кўриб чиқиш вақти келди. Ногиронлар эса давлат берган ёрдамга қараб қолмай, ўзлари ҳам даромад қилишлари лозим. Корхона ва ташкилот масъуллари уларга қулай меҳнат шароити яратишлари зарур. Тиббиёт ходимлари ҳам ногиронлар фаоллигини ошириш ва уларнинг жамиятимиз ҳаётида тўлақонли иштирок этишларини таъминлаш йўлида куч-ғайратларини бирлаштиришлари керак. Ҳозирча уларнинг иши талабга жавоб бермайди. Бу соҳада ечимини кутаётган муаммолар талайгина.

Илмий-амалий конференцияда камчиликлар билан бир қаторда Янгийўл шаҳри ва Қиргули туманида ногиронларни, ёлғиз қарияларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида қилинаётган ибратли ишлар ҳақида ҳам гапирилди. Янгийўл шаҳрида ногиронлар фестивали ўтказилиб уларга моддий ёрдам берилди. Ярим йил мобайнида шу мақсадларга 2 миллион сўм сарфланди. Шаҳар корхоналари ҳам шундай мақсадларга 1 миллион сўм ўтказдилар. Уларни ишга жойлаштиришни ҳокимлик назоратга олган. Улар учун махсус кичик корхона тузилган. Ногиронлар темиртерсак тўплаб, топшириб ўз жамиятлари жамғармасига 2 миллион сўм пул туширидилар. Шаҳар ҳокими Шавкат Каримов йиғилганларга ана шулар ҳақида қисқача гапириб берди. «Наврўз» хайрия жамғармаси эса ўз ҳисобидан янгийўллик 5 нафар ногиронга бепул аравача топширди.

Хотима ўрнида шуни айтиш керакки, ногиронларни фақат байрамларда йўқлаб, совға топшириш билан ўз вазифамизни бажараяпмиз, десак катта хато қилган бўламиз. Аксинча, бундай кишилар ҳолидан мунтазам хабар олиш, бир оғиз ширин сўзни аямаслик инсоний бурчимиздир. Чунки улар меҳрга зор. Меҳр эса кунда керак.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДЎСТИМИЗ ХОТИРАСИ

Унинг бу дунёда амалга оширадиган ниятлари ҳали бисёр эди. Одамлар олдидаги қарзини, зиммасидаги бурчини доимо ўйларди. Шу мақсадда, шу ниятда қўлига қалам оларди. «Одамни асранг, одамлар», «Халқ ғамидан буюкроқ иш йўқ» публицистик мақолалари худди шу руҳ билан йўғрилганди. Яқиндагина редакцияга қўнғироқ қилиб «Яхши одамлар туфайли дунёга қайтадан келдим, мен умрим бўйи таъзимдаман уларга. Ҳаётга эндиликда бошқача нигоҳ билан қараяпман», деганди. Кеча эса Андижондан келган нохуш хабар ҳаммамизнинг юрагимизни ларзага солди: газетанинг Андижон вилояти бўйича ўз мухбири Анорбой Қуронбоев бандаликни бажо келтирибди.

На чора, ҳар кимнинг бошида бор бу савдо. Кўнгилга андек бўлса ҳам таскин берадигани шуки, Анорбойдан ҳаётда яхши из қолди, ҳавас қилса арзигудек фарзандлар қолди.

Анорбой Қуронбоев 1934 йилнинг декабрь ойида қўшни Қирғизистоннинг Ўш вилояти Аравон туманидаги Тепақўрғон қишлоғида дунёга келди. 1956 йилда Тошкент давлат университетини тамомлагач, ўз севган касби бўйича меҳнат қилди. Аввал Андижон вилоят газетасида ходим, кейинчалик эса бўлим мудири бўлиб ишлади. Мана, 28 йилдирки, у газетамизнинг Андижон вилоятидаги ўз мухбири бўлиб ишлаб келди. Вилоятнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётига оид кўплаб хабар ва долзарб мақолалар ёзди. Меҳнат аҳли ўртасида, вилоят фаоллари орасида катта обрў-эътибор қозонди. Изланувчан ижодкорнинг хизматларини давлатимиз юксак баҳоланди. Унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвони берилганди.

Заҳматкаш инсон, моҳир қаламкаш Анорбой Қуронбоевнинг хотираси уни билган ёру биродарларининг қалбида умрбод қолади. Дўстимизнинг охирати, илоё, обод бўлсин.

Бир гуруҳ ўртоқлари.

• ЁДНОМА

«БАҒРИНГИЗНИ ОЧИНГ, ОДАМЛАР...»

Шундай ривоят бор:

Подшоҳ ов қилиб юрганда ёнғоқ экаётган тўқсон ёшли қарияга кўзи тушибди.

— Ёшингиз бир ерга бориб қопти, бу дарахтнинг меваси сизга насиб этармикин, ота, — сўрабди чолдан.

— Аждодлар экканини биз едик, биз эккандан эса авлодлар баҳраманд бўлади, деган умиддаман, болам.

Маънили жавоби учун подшоҳ чолга шу заҳотиёқ минг танга инъом этибди. Қария эса ғурур билан депти:

— Мана, тақсир, мен эккан дарахт шу ондаёқ мева берди, кўрдингизми?

Ушбу ривоятни бекорга келтирмадик. Уни Аҳмад ака Нишонов жуда кўп такрорларди. Ҳикмат мазмунини шогирдлари шуурига сингдиришга ҳаракат қиларди. Чунки у кишининг ўзлари бағри кенг, заковатли инсон эдилар...

Туркипоён қишлоғида туғилиб ўсган Аҳмад ака Челек туман «Большевик» йўли рўзномасига масъул котиб бўлиб ўтгунча катта ҳаёт тажрибасини тўплади. 1933 йилгача кетмон чопиб, экин суғорди, тракторга сув ташиб берди. Кўл ўтмай отасининг ундови билан Самарқанд дорилфунуни қошидаги ишчилар факультетига ўқишга кирди. Кейин МТСда агроном бўлиб ишлади. Бурқут қишлоқ кенгашига котиблик қилди. Туман халқ маорифи бўлими бош инспектори, комсомол қўмитаси котиби...

Газетчиликнинг ўзига хос оғиру енгил томонлари, изтиробу қийинчиликлари бор. Аҳмад Нишонов ана шундай лаҳзаларни бошидан кечирди. Ўша пайтда туман рўзномаси Самарқандда чоп этилаётгани сабабли бу ердаги адабий муҳит билан алоқа ўрнатди, сўзга жон киритишнинг ҳадисини олди.

Уруш турмушимизни алғов-далғов қилиб юборди. Аҳмад ака туман партия қўмитасининг кадрлар бўйича котиби сифатида халқ руҳини кўтариш, ғалабага ишончни мустаҳкамлаш, фронт ортидагиларнинг унумли меҳнат қилишини уюштиришдек шарафли вазифани бажарганлиги учун муносиб тақдирланди.

Урушдан кейин эса А. Нишоновнинг фаолияти бевосита партия иши билан боғланди. Дастлаб Хатирчи ва Қорадарё туман партия қўмиталарида котиб бўлди. Сергайратлиги, ишчанлиги, бағрикенглигилиги билан одамлар ҳурматини қозонди. Аҳмад акада партия ходими учун зарур бўлган бир хислат бор эди: у киши топширилган юмушнинг бажарилишини жуда қаттиқ назорат қиларди.

Тошкент Олий партия мактабида таҳсил кўриб келган А. Нишонов 1962 йилга қадар Хатирчи ва Иштихон туман партия қўмиталарини бошқарди. Фаолияти давомида ўзидан яхши из қолдирди: боғ-роғлар яратди, мактаблар, кўприклар, йўллар қурди. Асосийси — ҳалол-покиза яшади.

— Аҳмад акада ўзига хос заковат, саховатпешалик бор эди, — дея эслайди Иштихон тумани ҳокими, Ўзбекистон халқ ноиби Тўрақул Йўлдошев. — Мажлислардаям, давралардаям овозини баландлатиб гапирмасдилар. Кўпроқ хўжаликларга бориб, раҳбарлар билан яккама-якка суҳбатлашардилар. Ҳеч иложи топилмаса, мажлисда қойиб қўярдилар.

Аҳмад Нишонов 1963 йилда ўз қишлоғига қайтди. Челакдаги «Чўраш», «Катта Турк» хўжаликларини бошқарди. Бу колхозларни илғорлар сафига олиб чиқди. Ўзбекистон халқ депутатлигига сайланди. Ўнлаб орден, медаллар, Олий Кенгаш Фахрий Ёрлиғини олди. Энг олий унвон — халқ ҳурматига сазовор бўлди. Фарзандларини ҳам ўзи каби меҳнатсевар, одамохун, қатъиятли қилиб тарбиялади. Шу боис уларнинг барчаси ҳозирги кунда халқ хўжалигининг турли жабҳаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Ҳамқишлоқлари ва у кишини билган кишилар Аҳмад акани доимо эслаб туришади. Дарвоқе, Челакдаги катта кинотеатр ва мактаблардан бири А. Нишонов номи билан аталади.

Искандар ТЕМИРОВ,
Челак тумани радиосининг муҳаррири.

ДИҚҚАТ!

КОРХОНАЛАР, ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАМДА МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ

Саноат-қурилиш банкининг Мирзо Улуғбек бўлими қуйидаги ишларни ва хизматларни тез ҳамда соз ва сифатли бажаради.

1. Ҳисоб-китоб — касса хизмати.

2. Корхона ва ташкилотларни маблағ билан таъминлаш.

3. Ташкилотларнинг йиғма пул маблағларини бошқариш.

4. Корхоналар фондларини баҳолашни амалга ошириш.

5. Хусусийлаштирилаётган корхонани эмиссион проспектини, хусусийлаштириш концепциясини ишлаб чиқишда кўмаклашади.

6. Мижоз учун манфаатли шароитда жамғарма ҳисоб рақамларини очамиз. Сизларнинг омонатларингиз махфийлиги ва сақланишини кафолатлаймиз.

Жамғарма кассалари манзилгоҳлари:

1. «Хумоюн» даҳаси.

2. Губкин кўчаси 1а-уй, «Эталон» заводи ёнида.

3. Тюльпанов кўчаси йўлаги, 92 уй.

Афғонистоннинг «ҲАЙДАР ДЖОЗ ЖОНИ» ва «САИД ҚАМОЛ СОДАТ» СОЛТД фирмалари қуйидаги маҳсулотларни сотиб олишни

ТАКЛИФ ЭТАДИ

1. Англияда ишлаб чиқарилган сигарета — «ГОЛДЕН БАЙЛЕР» ҳамда «555»

Ушбу сигареталарни сотиб олиш учун қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилишингиз мумкин:

Қозоғистон Республикаси, Алмати шаҳри, Мухтор Авезов кўчаси, ТЕЛЕФОН: 42-81-17. Ўзбекистондаги ваколатхона, Тошкент шаҳри Усмон Юсупов кўчаси 2-уй, 2-қават, 204-хона.

ТЕЛЕФОН: 41-50-13, факс 41-06-31.

ҚУТЛОВ

Азиз Очил ота ва Сулувҳол она!

Сизларнинг табаррук 72 ва 70 ёшга тўлишингиз ҳамда турмуш қурганингизга 50 йил тўлиши, жажжи набираларингиз Беҳзод, Мурод, Сардор, Шоҳруҳларнинг суннат тўйи билан чин дилдан қутлаймиз. Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Келинингиз Гулчеҳра ва ўғлингиз Равшан АБДУРАҲМОНОВЛАР.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Шу йилнинг 30 сентябрь куни кўҳна Бухоро шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқли заём облигацияларининг навбатдаги 6 тиражи ўтказилади.

Облигация эгаларини Бухоро шаҳрига тиражда қатнашишга таклиф қиламиз.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!
ЎЗБЕКИСТОН ЖАМҒАРМА БАНКИ

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
М. ҚОРИЁҚУБОВ номидаги ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ
ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

30 сентябрь соат 18.00 да Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллигига бағишланади

К. ОТАНИЁЗОВ НОМИДАГИ «ЛАЗГИ» ДАВЛАТ АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

«ХИВА САЙИЛИ»
ЯНГИ ҚОНЦЕРТ ДАСТУРИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар:

РАҲМАТЖОН ҚУРБОНОВ
ГУЛСАРА ЁҚУБОВА

Солистлар:
Гулшаной УМАРОВА, Карима ИСМОИЛОВА, Гулимат СОБИРОВ, Замира ҒАФФОРОВА, Феруза МИРҲАМИДОВА, Комил БОЛТАЕВ.

Раққосалар ва созандалар гуруҳи иштирок этадилар.
Ансамблнинг бадиий раҳбари — РАҲМАТЖОН ҚУРБОНОВ.
Балетмейстер — Зуҳра ҒОЗИЕВА.
Режиссёр — Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон Давлат мукофотининг совриндори ФЕРУДДИН САФАРОВ.
Чипталар САРОЙ кассаларида ҳамда метро бекатларида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда.
Жамоа бўлиб келувчилардан буюртмалар қабул қилинади.
ТЕЛЕФОНЛАР: 33-37-69, 33-73-10.

КОРХОНА
чекланмаган миқдорда лицензияси бор қуйидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини: консервантлар, ёнғоқ, ерёнғоқ, вино, кунжут
СОТИБ ОЛАДИ
Мурожаат учун телефон: 67-19-05.

ТАШКИЛОТ

1. Японияннинг «Тошиба» фирмасида ишлаб чиқарилган 11 киловаттдан 75 киловаттгача бўлган, минутига 750—3000 марта айланиш қувватига эга бўлган асинхрон электродвигателларини;

2. Ватанимизда ишлаб чиқарилган 2,2 киловаттдан 5,5 киловаттгача бўлган, минутига 950—3000 марта айланиш қувватига эга бўлган электродвигателларини

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Мурожаат учун Тошкент шаҳридаги телефонлар: 78-67-21, 45-75-67.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси, «Ташқийўловчитранссавдо» бошқармаси жамоалари «Ташқийўловчитранссавдо» бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Р. Д. Номозова онаси

Фавзия НОМОЗОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

БОБУР ЮРГАН ЙЎЛЛАРДА

Шу йилнинг кузида буюк шоир, ажойиб саркарда, ҳамюртимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги кенг нишонланади. Шу қутлуғ сана муносабати билан республика Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 23 июнда махсус қарор қабул қилди. Унда шундай сатрлар бор:

«...Андижон вилоят ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Андижон шаҳрида Заҳириддин Муҳамад Бобурга ёдгорлик ўрнатиш, шоир номи билан боғлиқ қадамжоларни таъмирлаш ишларини юбилейга қадар тугаллаш чора-тадбирларини кўрсин».

— Вилоят ҳокимлиги бу қарорнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан қўшимча тадбирлар ишлаб чиқди, — дейди Бобур номли халқаро миллий экспедиция раҳбари Зокиржон Машарипов.

— Республикада обрўли кишилардан иборат Бобур юбилейини ўтказиш гуруҳи тузилди. Унинг биринчи йиғилиши Андижонда ўтказилди. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси раисининг муовини М. Қорабоев бошчилигида Ўзбекистон халқ ёзувчиси П. Қодиров, республика маданият вазири Э. Ҳайитбоев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котиби Жамол Камол, бобуршунос олима С. Азимжонова ва бошқалар Андижонда Бобур юбилейига тайёргарликнинг боришини ўрганиб, ўзларининг фойдали маслаҳатларини бердилар.

Вилоят ҳокимлигининг қарорига биноан Бағишамолда Бобур боғи барпо этилаяпти. 300 гектарли бу боғда Арк дарвозаси, Бобур музейи, Бобурнинг рамзий қабри қурилишлари жадал суръатлар билан олиб бориляпти. Андижон шаҳри марказидаги хиёбонга Бобур номи берилди. Бу ерда қад кўтаражак Бобур ҳайкали ниҳоясига етай деб қолди. Юбилей арафасида Андижонда Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланган халқаро симпозиум ўтказиш режалаштирилди.

Вилоятимизда Бобур номли илмий экспедициянинг ташкил топиши ва унинг Бобур юрган йўллар бўйлаб сафар қилиши наинки вилоят, бутун республикамиз маданий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Экспедиция ўтган йилнинг май ойида сафарга чиқиб, Бобур қадамжоларини зиёрат қилди. У ҳақда қимматли маълумотлар тўплади. 14 кишидан иборат экспедиция биринчи сафар чоғида 18 минг километр йўл босди. Эрон, Туркия, Сурия, Иордания, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирлиги, Покистон ва Афғонистон мамлакатларидан ўтиб, у ерларда мустақил Ўзбекистон давлатининг, ўзбек халқининг кўҳна тарихи, бугунги ҳаётини тарғиб ва ташвиқот қилди.

Бобур Мирзо Афғонистонда 14 йил яшаган, унинг уй-жойи, қабри ҳануз сақланиб қолган. Бобур ва унинг авлодлари умрининг охиригача шарқ услубидаги иншоотларни яратишга катта эътибор берганлигини Покистон ва Афғонистон ҳудудида жойлашган Лоҳур, Мўлтон, Пешовар, Қобул, Мозори-Шариф каби шаҳарларда кўриш мумкин. Экспедиция сафарининг энг ҳаяжонли, машаққатли, айни маҳалда энг мазмунли қисми Афғонистон ва Покистонда ўтди. Афғонистондаги сиёсий-ҳарбий вазият нақадар мураккаб ва қалтис бўлишига қарамай, Бобур ва унинг авлодлари яратган обидалар зиёрат қилинди. Энг муҳими, ҳамюртимизнинг Қобулдаги боғи Бобур қабрига бориб, ҳурмат-эҳтиром билдирилиб, тиловат ўқилди. Ўша жойдаги диний-ҳарбий раҳбарлар билан келишиб, Бобур қабри атрофидан бир ҳовуч тупроқ Андижонга келтирилди. Ҳозир Андижонда Боғи Бобурда унинг рамзий қабри — мақбараси тикланяпти.

Яқинда эса илмий экспедиция Ҳиндистон сафаридан қайтиб келди. Бу сафарнинг аҳамияти янада аҳамиятлироқдир. Чунки Ҳиндистон Бобур ҳаёти ва фаолиятида алоҳида ўрин тутади. Бобур Ҳиндистонда оз яшади, лекин Бобурийлар бу улкан мамлакатда узоқ —332 йил ҳукмронлик қилди.

Ҳиндистонда турли учрашувлар ўтказилди, фикр алмашилди. Бобур ва унинг авлодлари яшаган тарихий жойлар зиёрат қилинди, фото ва кинотасвирларга туширилди. Шунингдек, олим ва зиёлилардан иборат Агра—Андижон, Андижон — Агра сайёҳ гуруҳларини ташкил этиш бўйича шартномалар тузиш, Андижон ва Агра шаҳарларини биродарлаштиришга замин яратиш сингари масалалар ҳам келишиб олинди. Сафар давомида Ўзбекистон кино компанияси ва Бобур номли халқаро жамоат хайрия жамғармаси ҳамкорлигида Андижонда суратга олинаётган «Бобур саломи» ҳужжатли илмий-оммабоп фильми Покистон ва Ҳиндистон ҳудудларида давом эттирилди.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ.

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир АЗИМ СУЮН

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Оснё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ.

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-53-14
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-76-04, 32-53-70
Фан ва маданият бўлими — 33-20-36
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16
Тижорат, эълонлар — «Оснё бозори» редакцияси — 33-38-55, 32-55-70, 32-54-12
Котибият — 33-72-83, 32-53-06
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ

Андижонда — 4-48-85; Нукусда — 4-44-62;
Бухорода — 3-96-12; Қаршида — 3-25-79;
Гулистонда — 2-26-22; Самарқандда — 35-22-90;
Жиззахда — 3-31-86; Урганчда — 6-72-60;
Навоийда — 3-74-76; Термизда — 2-23-01;
Наманганда — 6-43-43; Фарғонада — 6-37-16.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Хажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—531. № 175. топширилди — 21.00.
Навбатчилар: Ҳ. НОСИРОВ, А. ПУЛАТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.

1 2 3 4 5 6.